

BOSH MUHARRIR v. b. :  
**Azamat TOIROV**

**TAHRIRIYAT KENGASHI A'ZOLARI:**

**Anvar TUYCHIEV,**

O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi  
Qonunchilik palatasi Agrar va suv  
xo'jaligi masalalari qo'mitasi raisi

**Ibrohim ABDURAXMONOV,**

O'zbekiston Respublikasi  
Qishloq xo'jaligi vaziri

**Aktam XAITOV,**

O'zbekiston Fermer, dehqon xo'jaliklari  
va tomorqa yer egalari kengashi raisi

**Akrom ALIMOV,**

"Tadbirkorlik va fermerlikni qo'llab-  
quvvatlash" markazi direktori

**Sirojiddin RUSTAMOV,**

"Agro Biznes Inform Tahririyati"  
MCHJ rahbari, Turon FA faxriy a'zosi,  
O'zbekiston Jurnalistlar uyushmasi a'zosi

**Fayzullo TOJIQULOV,**

O'zLiDeP Toshkent viloyati Chinoz tuman  
Kengashi rahbari

Bosh muharrir o'rinbosari

**Asror MO'MINOV**

Mas'ul kotib:

**Shukurjon JABBOROVA**

Dizayner:

**Ramazon RUSTAMOV**

Musahhih:

**Jo'rabek SIROJIDDINOV**

Viloyat muxbirlari:

Qoraqalpog'iston Respublikasi va

Xorazmda

**Baxtiyor ESANOV**

Sirdaryo va Toshkentda

**Farmina G'ayratova**

**Nashr O'zbekiston Respublikasi  
Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining  
2020-yil 31-dekabrda 290/10-sonli  
qarori bilan Oliy attestatsiya  
komissiyasining ilmiy jurnallar ro'yxatiga  
olingan.**

**Jurnal 2005-yildan buyon chiqa boshlagan  
The journal has been published since 2005**

**№1 (174) 2025**

**TAHRIR HAY'ATI RAISI :**

**Zafar ISKANDAROV,**

Turon FA vitse-Prezidenti, t.f.d., professor

**TAHRIR HAY'ATI A'ZOLARI:**

**Ibrahim DILER,**

Isparta Amaliy fanlar universiteti rektori, professor (Turkiya)

**Kamoliddin SULTONOV,**

Toshkent davlat agrar universiteti ilmiy ishlar bo'yicha prorektori

**Durbek MAXKAMOV,**

Toshkent davlat yuridik universiteti "Ekologiya huquqi" kafedrasida prof.v.b., yuridik  
fanlar nomzodi

**Temirjan AYTBAEV,**

Qozog'iston Milliy FA akademigi, Qozog'iston Milliy agrar universiteti Meva-  
sabzavotchilik va yong'oqchilik kafedrasida mudiri, q.x.f.d.

**Surayyo AXMEDOVA,**

O'zbekiston Jurnalistlar uyushmasi a'zosi, xalq deputatlari Chinoz tuman Kengashi  
deputati

**Baxrom MADARTOV,**

Samarqand VMI Toshkent filiali direktori, q. x. f. d, professor

**Khashim YAKHYAEV,**

O'simliklar karantini va himoyasi ilmiy-tadqiqot instituti yetakchi ilmiy xodim,  
professori, q. x. f. d.

**Usmon NORQULOV,**

ToshDAU, Dehqonchilik va melioratsiya kafedrasida professori, q. x. f. d.

**Erkin BERDIYEV,**

ToshDAU, Manzarali bog'dorchilik kafedrasida professori, q. x. f. d.

**Erkin FARMONOV,**

Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash muhandislari instituti,  
professor, texnika fanlari doktori

**Mansur YULDASHOV,**

ToshDAU, Baliqchilik kafedrasida professori, biologiya fanlari doktori

**Asqarbek SAFAROV,**

ToshDAU, qishloq xo'jaligi fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent

**Alevtina KOJEVNIKOVA,**

ToshDAU, biologiya fanlari doktori, professor

**Abdulla MADALIEV,**

"Toshkent gumanitar fanlari universiteti" professori, iqtisod fanlari doktori

**Abdunabi FATXULLAEV,**

ToshDAU, texnika fanlari doktori, professor

**Sirojiddin JO'RAYEV,**

ToshDAU Qishloq xo'jaligi ekinlari seleksiyasi va urug'chiligi kafedrasida mudiri

**Murod RAXMANKULOVA,**

ToshDAU, Qishloq xo'jaligi ekinlari genetikasi, seleksiyasi va urug'chiligi kafedrasida  
professori, q. f. d.

**O'ktam QO'LDOSHEV,**

Samarqand davlat chet tillar instituti Tarjima nazariyasi va amaliyoti kafedrasida mudiri  
(PhD)

**Dilmurodjon HAKIMOV,**

ToshDAU, "Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini standartlashtirish va sertifikatlash"  
kafedrasida dotsenti

**Iroda BAKIEVA,**

Toshkent moliya instituti Iqtisodiy xavfsizlik kafedrasida professori v. b., i. f. d.

**Erkinjon BOTIROV,**

Toshkent moliya instituti "Iqtisodiy xavfsizlik" kafedrasida dotsenti, i. f. n.

**Gulxehra TANGIROVA,**

ToshDAU, Qishloq xo'jaligi ekinlari genetikasi, seleksiyasi va urug'chiligi kafedrasida  
dotsenti

**Musulman ZIYATOV**

Paxta seleksiyasi, urug'chiligi va yetishtirish agrotexnologiyalari ilmiy tadqiqot  
institutining katta ilmiy xodimi, q. x. f. d., (PhD)

# ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИГА ЭЪТИБОР — ДАСТУРХОНИМИЗ ТЎКИН- СОЧИНЛИГИ ГАРОВИ




**Тўлкин Саттаров,**

Фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ижро этувчи директор

2024 йил давомида Жамғарма томонидан фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ҳамда “Томорқа хизмати” МЧЖларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун жами 493,6 млрд.сўм (1-илова) пул маблағлари ажратилган бўлиб, шундан: 395,6 млрд.сўми (80,1%) томорқа ер эгаларига, 5,5 млрд.сўми (1,2%) фермер, деҳқон хўжаликлари, Ишлаб чиқариш кооперативлари, оилавий корхона ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига, 36,6 млрд. сўми (7,4%) “Томорқа хизмати” ва бошқа масъулияти чекланган жамиятларга (МЧЖларга) кредит ва устав фондига улуш сифатида, 49,4 млрд.сўми (10,0%) артезиан

кудуқлар учун субсидия маблағларига ажратилган.




2024 йилда Жамғармадан ажратилган маблағлар диаграммаси қуйидаги расмда келтирилган.

Ушбу маблағларни сарфланиш йўналишлари қуйидаги расмда қайд этилган.



Жамғармадан 2018-2024 йилларда ажратилган маблағларнинг салмоғи ва таҳлили қуйидаги расмда қайд этилган.



**Жамғарма ҳисобидан ажратилган маблағлар ҳудудлар ва банклар кесимида.**

2024 йил давомида Жамғарма томонидан фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ҳамда “Томорқа хизмати” МЧЖ ва қишлоқ хўжалиги кооперативларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун жами 437,7 млрд.сўм пул маблағлари ажратилган бўлиб, шундан: Агробанк орқали 23,9 млрд.сўм, Халқ банки орқали 244,7 млрд.сўм, Микрокредитбанк орқали 163,2 млрд.сўм, Асакабанк орқали 2 млрд.сўм.

Ажратилган ресурслар ҳудудлар кесимида қуйидагича кўринишга эга:

Қорақалпоғистон Республикасидаги томорқа ер эгалари, фермер хўжаликлари, “Томорқа хизмати” МЧЖ ва қишлоқ хўжалиги кооперативларига жами 33,0 млрд.сўм;

Андижон вилоятига 56,3 млрд.сўм;

Бухоро вилоятига 27,8 млрд.сўм;

Жиззах вилоятига 41,1 млрд.сўм;

Қашқадарё вилоятига 56,8 млрд.сўм;

Навоий вилоятига 33,2 млрд.сўм;

Наманган вилоятига 21,2 млрд.сўм;

Самарқанд вилоятига 51,8 млрд.сўм;

Сирдарё вилоятига 18,6 млрд.сўм;

Сурхондарё вилоятига 44,0 млрд.сўм;

Тошкент вилоятига 31,3 млрд.сўм;

Фарғона вилоятига 45,9 млрд.сўм;

Хоразм вилоятига 32,7 млрд.сўмни

ташkil этди.

Жамғарма томонидан томорқа ер эгалари, фермер хўжаликлари, “Томорқа хизмати” МЧЖ, қишлоқ хўжалиги кооперативларига ажратилган маблағлар 2023 йилнинг мос даврига (672,3 млрд.сўм) нисбатан солиштирилган бўлса, (178,7 млрд.сўмга кам) жами маблағларни 27,0% га камайганлигини, ҳудудлар бўйича энг катта ўзгариш Тошкент вилоятида (-56 млрд. сўмга), Самарқанд вилоятида (-34 млрд. сўмга) ва Бухоро вилоятида (-23 млрд. сўмга) камайганлигини кўришимиз мумкин.

Томорқа ер эгаларига ажратилган 395,6 млрд сўм имтиёзли кредитлар натижасида, 1810 та хонадонда жами 32,3 гектар майдонда иссиқхона, 626 та хонадонда 72 мингдан ортиқ зотдор парранда, 626 та хонадонда 7400 дан ортиқ асалари қутилари, 166 та хонадонда жами 0,2 гектар майдонда интенсив боғдорчилик, 187 та хонадонда жами 360 сотихдан ортиқ майдонда сўриток (узумчилик), 614 дан ортиқ хонадонда 18,2 млрд сўмлик артезиан қудуқлар қазилиб ишга туширилди.

357 дан ортиқ хонадонда жами 770 дан ортиқ мотокультиватор ва мотороллер харид қилиниб, томорқа ер эгаларига хизмат қилинмоқда. 530 та хонадонда 1800 дан ортиқ насли чорва, 360 дан ортиқ хонадонда 6,6 млрд сўм имтиёзли кредитлар ҳисобига экспортбоп тарвуз етиштирилди. Кредитлар натижасида 12600 дан ортиқ янги доимий ва мавсумий иш ўринлари яратилди.

2024 йил IV чорақда Жамғарма томонидан фермер, деҳқон хўжаликлари, “Томорқа хизмати” МЧЖ ва қишлоқ хўжалиги кооперативлари (юримдик шахслар) ни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун жами 25,1 млрд.сўм пул маблағлари ажратилган бўлиб, шундан:

3 та фермер хўжаликларига 780 млн.сўм кредит;

41 та “Томорқа хизмати” МЧЖга жами 36,6 млрд.сўм, шундан: 34,6 млрд.сўм кредит, 1,9 млрд.сўм улуш;

- 10 та қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш кооперативлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига 5,2 млрд.сўм кредит маблағини ташкил этади.

Жамғарма томонидан юридик шахсларга маблағлардан қуйидаги йўналишлар доирасида фойдаланилган:

13,1 млрд.сўмга томорқачилик кластерини 12 та йўналишини ташкил этиш учун;

2,6 млрд.сўмга 27 та юк автомашинаси (Лабо, Исузи ва бошкалар);

2,0 млрд. сўмга анорчиликни ривожлантириш;

2,3 млрд.сўмга 74 гектар ер майдонига иссиқхоналар;

2,1 млрд.сўмга 68 та мотокультиватор;

1,5 млрд. сўмга 80 500 туп кўчат;

1,9 млрд.сўмга 17 та минитрактор ва трактор;

750,0 млн.сўмга 4 та артезиан қудуқлари қазиб бериш;

2 150,0 млн.сўмга 30 гектарда боғдорчилик;

390,0 млн.сўм дала дўкони;

695,0 млн. сўмга уруғ;

920,0 млн.сўмга 65 та қути кимёвий воситалар ва минерал ўғит етказиб бериш;

510,0 млн.сўмга аҳоли хонадонларига иссиқхона қуриб бериш мақсадида иссиқхона жиҳозлари харид қилиш учун;

640 млн.сўмга томчилатиб суғориш ускунаси;

3 505,0 млн.сўм бошқа йўналишлар доирасида фойдаланилган.


“Томорқа хизмати” МЧЖлар томонидан ушбу моддий техник база орқали фермер хўжаликлари ва аҳоли томорқаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш доирасида хизмат кўрсатилиши таъминланмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 мартдаги ПҚ-115-сон қарори 4-иловасига асосан 2024 йилда фаолияти кластер усулида ташкил этиладиган 24 та “Томорқа хизмати” МЧЖ рўйхати тасдиқланган. Қарор доирасида мазкур “Томорқа хизмати” МЧЖларнинг кредит лойиҳаси учун Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан зарур ресурс маблағлари ажратилиши белгиланган.


Жорий йилда (7-илова) 24 та томорқа хизмати кластерларини ташкил этиш белгиланган ва қарор доирасида мазкур лойиҳаларни молиялаштириш учун Жамғармадан 16 та жамиятга 30 млрд сўм маблағ ажратилди. Қолган 8 та корхона ўз маблағи ҳисобидан лойиҳаларни амалга оширди.

Ҳудудларда туман ҳокимлари бошчилигидаги кластер лойиҳаларни очиш ва қабул қилиш юзасидан далолатномалар тасдиқланиб, 24 та жамиятда кластер фаолияти тўлиқ йўлга қўйилди. Мазкур қарорнинг 5-иловаси билан ЯТТ шаклидаги томорқа хизмати корхоналарига Жамғармадан 70 млрд сўм ажратиш бўйича прогноз параметрлари тасдиқланган.

Қарорнинг ушбу иловасидаги режани бажариш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши ҳамда вилоят ҳокимликлари билан Жамғарма ўртасида 70 млрд сўмни шундан, 2024 йилда 35 млрд сўм ҳамда 2025 йилда 35 млрд сўм ажратиш бўйича тақсимот режалари тасдиқланди.



Йил якуни ҳолатига ушбу маблағларнинг (8-илова) 35,9 млрд сўми ажратилиши таъминланди. ЯТТ шаклидаги “Томорқа хизмати” корхоналарини молиялаштириш орқали 1,1 мингдан ортиқ юридик шахс ташкил этилди ва шунча миқдордаги иш ўринлари яратилди.



Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги ПҚ-4767-сон қарори ижросини таъминлаш, сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқаларини суғориш учун вертикал суғориш қудуқларини бурғулашга субсидия ажратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 июлда 459-сон ҳамда 2020 йил 24 февралдаги 109-сон қарорлари қабул қилинган. Қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида 2020-2024 йиллар давомида республика бўйича 2652 та, жумладан: 585 та кичик қудуқ, 2067 та катта вертикал суғориш қудуқларининг қазилиши натижасида Кенгаш хузуридаги Жамғарма томонидан 262074,4 млрд.сўм субсидия маблағлари ажратилган.

Бундан ташқари, қарорлар ижросига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда

2024 йилги сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқалари, деҳқон хўжаликлари ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларини суғориш учун вертикал суғориш қудуқларини бурғулаш бўйича манзилли рўйхат шакллантирилди ҳамда мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан тасдиқланди.

Манзилли рўйхатга мувофиқ 2024 йилда 484 та МФЙда жами 687 та, шундан: 152 та кичик, 535 та катта қудуқ ва 34 та деҳқон хўжаликлари учун катта қудуқ қазилиши режалаштирилган.

Жамғарманинг 2024 йил харажатларининг прогноз параметрларида вертикал суғориш қудуқларини бурғулаш учун 50,0 млрд.сўм маблағлар ажратилиши кўзда тутилган.

Қарорлар ижросига кўра 2024 йил IV чорагида сув таъминоти оғир 236 та МФЙларда 384 та талабгорларга, жами 384 та: шундан: 43 та кичик ва 341 та катта қудуқларни қазиб, ишга туширилиши учун жами 49 393,4 млн.сўм (йиллик бажарилиши 99%) маблағ молиялаштириб берилди.

1) Қорақалпоғистон Республикасида – 28 та талабгорга жумладан: 5 та катта ҳамда 23 та кичик хажмдаги артезиан қудуқлар учун 771,8 млн.сўм;

2) Андижон вилоятида – 33 та талабгорга катта хажмдаги артезиан қудуқлар учун 4 950,0 млн.сўм;

3) Бухоро вилоятида – 24 та талабгорга катта хажмдаги артезиан қудуқлар учун 3 234,1 млн.сўм;

4) Жиззах вилоятида – 29 та талабгорга жумладан: 20 та катта ҳамда 10 та кичик хажмдаги артезиан қудуқлар учун 1652,1 млн.сўм;

5) Қашқадарё вилоятида – 43 та талабгорга катта хажмдаги артезиан қудуқлар учун 5 583,4 млн.сўм;

6) Навоий вилоятида – 92 та талабгорга катта хажмдаги артезиан қудуқлар учун 13 398,6 млн.сўм;

7) Наманган вилоятида – 3 та талабгорга

катта хажмдаги артезиан қудуқлар учун 431,6 млн.сўм;

8) Самарқанд вилоятида – 75 та талабгорга катта хажмдаги артезиан қудуқлар учун 10 968,5 млн.сўм;

9) Сурхондарё вилоятида – 1 та талабгорга катта хажмдаги артезиан қудуқлар учун 150,0 млн.сўм;

10) Сирдарё вилоятида – 2 та талабгорга катта хажмдаги артезиан қудуқлар учун 296,3 млн.сўм;

11) Тошкент вилоятида – 1 та талабгорга катта хажмдаги артезиан қудуқлар учун 149,6 млн.сўм;

12) Фарғона вилоятида – 24 та талабгорга катта хажмдаги артезиан қудуқлар учун 3 552,3 млн.сўм;

13) Хоразм вилоятида – 29 та талабгорга катта хажмдаги артезиан қудуқлар учун 4 254,9 млн.сўм маблағлар молиялаштириб берилди.

Албатта, аҳолининг томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланишни инновацион ёндашуви уларнинг деҳқончилик сир-асрорларининг қай даражада эгаллаганлиги, билим ва малакасининг етарли ёки етарли эмаслиги боғлиқ бўлади.

Бунинг учун аҳолининг томорқа ерларидан самарали фойдаланишда уларнинг билим ва малакасини мунтазам равишда ошириб бориш зарур.

Тўғри, барча томорқа ер эгалари ҳам ўзларининг билим ва малакасини ошириш имкониятига эга бўлмаслиги мумкин, ammo бунинг учун махсус ўқув марказлари ташкил этиш орқали уларни бепул деҳқончилик сир-асрорларини ўргатишга ўқитиш айти муддаодир.

Бу борада томорқачиликни ривожлантириш йўлида ҳудудларда Жамғарма таъсисчилигида ташкил этилган “Томорқа хизмати” МЧЖлар негизида ўқув марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур ўқув марказларида ташкил этилган ўқув

курслари фаолияти келгусида аҳолининг ўз шахсий томорқаларидан, фермер ва деҳқон хўжаликлари дала майдонларидан самарали фойдаланишига, йилига камида 2-3 марта ҳосил олишига, пировардида ҳудуддаги бозорларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўйинишига хизмат қилади.

2024 йил давомида Жамғарма таъсисчилигида ташкил этилган Андижон, Чироқчи, Жомбой, Янгийўл ва Қува туманларидаги “Томорқачиликка ўқитиш марказлари”да 7,3 минг нафар тизим ходимлари, томорқа ер эгалари, деҳқон ва фермерлар ўқитилди.

**Мисол учун:** Кенгаш ҳузуридаги Янгийўл туманидаги “Томорқачилик миллий маркази” МЧЖда ташкил этилган қисқа муддатли ўқув курслари давомида 3,7 дан ортиқ тингловчиларни ҳусусан, янги ташкил этилган деҳқон хўжаликлари, фермер ва томорқачилар ўқитилди.

Ўқув курсларида тингловчиларнинг билим ва кўникмаларини оширишда тажрибали профессор-ўқитувчилар, олимлар, соҳа мутахассилари, уста деҳқонлар, намунали томорқачилар жалб этилди.

Тасдиқланган графикка асосан ўқув курсларини ташкил қилишда яқин туманлардан 20-40 нафардан тингловчилар тизимли равишда жалб этилди.

Бу каби қисқа муддатли ўқув курсларини Республикаимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам тизимли ташкил этиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3680-сон Қарорининг 9-бандининг “б” кичик банди 16-хатбоши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-394-сон Қарори иловаси 1-бандининг “а” кичик банди 6-хатбошига асосан Кенгаш томонидан аҳолининг, деҳқон хўжаликлари ва фермер хўжаликлари раҳбарлари ва аъзоларининг ҳамда “Томорқа хизмати” МЧЖлар ва ишлаб чиқариш кооперативлари ходимларининг

билим ва кўникмаларини ошириш учун ўқув курсларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун субсидиялар ажратиш ҳамда ўқув марказлари фаолиятини молиялаштириш тартиби ишлаб чиқилган.

Мазкур Тартиб Кенгаш ҳузуридаги Жамғарма Васийлик кенгаши 2022 йил 15 декабрдаги 21-сон мажлис баёни билан тасдиқланган.

Тартибга кўра, Кенгаш тизимидаги, шунингдек, “Томорқа хизмати” МЧЖлар, фермер, деҳқон хўжаликлари, ишлаб чиқариш кооперативлари раҳбар ва ходимлари ҳамда томорқа ер эгаларини билим ва малакасини ошириш учун ўқув курсларини ташкил этган Жамғарма таъсисчилигидаги “Томорқа хизмати” МЧЖлар ҳамда бошқа юридик шахслар - ташаббускорларга ўқув курслари ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар Жамғарма томонидан субсидия ажратиш орқали қоплаб берилиши белгиланган. Мазкур тартибга асосан жорий йилда Янгийўл туманидаги “Томорқачилик миллий маркази” МЧЖнинг ушбу йўналишдаги харажатларининг бир қисми Жамғарма маблағлари ҳисобидан қоплаб берилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифи давомида аҳолининг доимий бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича топшириқларни инобатга олиб, Жамғарма маблағлари ҳисобидан фермер, деҳқон хўжаликлари, томорқа ер эгалари “Томорқа хизмати” МЧЖлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган.

Жамғарма томонидан 2024 йил давомида Республика бўйича фермер, деҳқон

хўжаликлари, томорқа ер эгалари “Томорқа хизмати” МЧЖларда ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш орқали 6 547 нафар янги иш ўринлари яратилди. Шундан:

томорқа ер эгалари томонидан 4 140 та; фермер, деҳқон хўжаликлари томонидан 25 та;

“Томорқа хизмати” МЧЖлар томонидан 1615 та;

қишлоқ хўжалиги кооперативлари томонидан 60 та;

аҳоли томорқаларига артезиан қудуқлар қазилиб, субсидия ажратиш орқали 707 та иш ўринлари яратилди.

Яратилган иш ўринлари ҳудудлар бўйича қуйидагича:

Қорқалпоғистон Республикасида 585 та,

Андижон вилоятида 924 та,

Бухоро вилоятида 339 та,

Жиззах вилоятида 426 та,

Қашқадарё вилоятида 615 та,

Навоий вилоятида 294 та,

Наманган вилоятида 330 та,

Самарқанд вилоятида 546 та,

Сирдарё вилоятида 414 та,

Сурхондарё вилоятида 630 та,

Тошкент вилоятида 382 та,

Фарғона вилоятида 542 та

Хоразм вилоятида 520 та иш ўринларини ташкил этади.

Юқорида қайд этилганлардан кўриниб турибдики, мамлакатимиз раҳбарияти, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан халқимиз дастурхонининг янада тўкин-сочин бўлишлиги учун барча имкониятлардан самарали фойдаланилмоқда.

# СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ – МАТЕМАТИКЛАР ТАЛҚИНИДА

Математика ҳамма аниқ фанларга асос.

Бу фанни яхши билган бола ақлли, кенг тафаккурли

бўлиб ўсади, исталган соҳада муваффақиятли ишлаб кетади.

*Шавкат Мирзиёев*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти*

Мақоламни, Ўзбекистон Фанлар академияси президенти, ҳозирги даврнинг “Ал-Хоразмий”си деб эътироф қилинган Аюпов Шавкат Абдуллаевичнинг 2025 йил 19 февралда “Янги Ўзбекистон” газетасининг 35-сонида “Буюк ўзбек йўли” рукнида чоп этилган “Ёшларда катта салоҳият бор” мақоласидан айрим иқтибосларни кўрсатиб ўтишдан бошлашни лозим кўрдим:



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Шавкат Абдуллаевич Аюпов Москва Давлат Халқаро Муносабатлар институти Тошкент филиали (МГИМО-Ташкент)нинг мустақил тадқиқотчиси Фозилхон Тоиров билан

- “Ҳозир дунёдаги нуфузли университетларда ўзбекистонлик 1500 дан зиёд талаба таҳсил олаётгани янги авлод кадрлари етишиб келаётганидан далолат беради.”

- “Иш топишда хорижий тилларни билиш жуда муҳим.”

- “...энг нуфузли олий ўқув юртларига кириш учун асосан, математика фанидан имтиҳон бўлади. Математика ва хорижий тилни билса, қолганини уддалаш мумкин.”

- “Бугунги ривожланишимиз, иқтисодиётимиз, халқимизнинг турмуш тарзини яхшилайдиган илм-фан керак.”

- “Ёшларга сўз берилди. Улар қоғозга қарамасдан дадил, эркин фикр билдирмоқда. Мен уларнинг юракдан отилиб чиқаётган гапларини эшитиб, рости, ғурурландим. Юрагида ўти бор, кўзи ёниб турган, Президентимиз ташаббусларини қўллаб-қувватлаб, яратилган имкониятлардан фойдаланиш, юрт равнақига ҳисса қўшиш истагидаги ёшларнинг интилишлари менга қаттиқ таъсир қилди.

Ўсиб келаётган авлоднинг шижоати, орзу-интилишлари, салоҳияти кишини ғурурлантиради.”



- “Фарзандларимизнинг саъй-ҳаракатларидан Учинчи Ренессанснинг шабадаси уфуриб турибди.”

Ҳа, албатта илм-фан ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал тараққий этиб бораётган бугунги шароитда дунёнинг ривожланган мамлакатларида давлат ва жамият бошқаруви, иқтисодиёт, саноат, ижтимоий ҳимоя, таълим, тиббиёт, бандлик, қишлоқ хўжалиги, мудофаа, хавфсизлик, туризм ва бошқа соҳаларда замонавий ахборот технологиялари ва сунъий интеллект имкониятларидан кенг фойдаланиш кучайиб бормоқда.

Маълумки, замонавий сунъий интеллект турли амалларни бажаришга мўлжалланган алгоритм ва дастурий тизимлардан иборат бўлиб, инсон онги бажариши мумкин бўлган бир қанча вазифаларни ахборот базасига киритилган маълумотлар асосида амалга оширади.

Шунингдек, сунъий интеллект мураккаб таҳлиллар ва катта маълумотлар билан ишловчи дастурларни ўз ичига олиб, мантиқли изчил мулоҳаза қилиш ҳамда тавсия бериш қобилиятига эга “ақлли” технология ҳисобланади. Дунёнинг етакчи олимлари сунъий интеллектни эволюцион эмас балки инқилобий ривожланиш сифатида талқин этмоқдалар.

Таъкидлаш лозимки, сунъий интеллект асосини маълумотлар базаси ташкил этиб, уларнинг манбаси турлича бўлиши мумкин, бироқ барча манбаларнинг асосини математик алгоритмлар ташкил этади. Маълумотлар базасини эса мунтазам тўлдириш ва кенгайтириш сунъий интеллект таҳлилий имкониятларини ва самарадорлигини оширади.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиққан холда, Ўзбекистон Математик Жамияти Ўзбекистон Миллий Университети

билан ҳамкорликда “Сунъий интеллект – математиклар талқинида” мавзусида иқтидорли ёш талабалар билан 2025 йил 12 февраль куни ўқув-семинари ташкил қилди.

Учрашувда Ўзбекистон Фанлар академияси Математика институти, Ўзбекистон Миллий Университети, Москва Давлат Халқаро Муносабатлар институтининг Тошкент филиали (МГИМО-Ташкент) ва бошқа олий ўқув юртларининг етакчи профессор-математик олимлари билан бир қаторда, Хитой Халқ Республикаси Сенду Университети (Chendu University) профессори Хиаожун Чен ҳам иштирок этиб ўзининг сунъий интеллект юзасидан фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди ва “Сунъий интеллектнинг ривожланишида математиканинг ўрни” юзасидаги маърузаси билан қатнашди.

Профессор Хиаожун Чен сунъий интеллектнинг асосини математик алгоритмлар ташкил этишлигини таъкидлар экан, шу сабабдан келажак тараққиёти учун ёшларни математика фанига қизиқишини янада кучайтириб бориш зарурлигини оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида ҳам қайта-қайта такрорлади.



**Хитой Халқ Республикаси Сенду Университети профессори Хиаожун Чен ва Ўзбекистон Миллий Университети Математика факультетининг декани, профессор Обиджон Солижонович Зикиров**



### Ўзбекистон Математика Жамиятининг бир гуруҳ профессор олимлари

Шу билан бирга, ўқув-семинарида, Москва Давлат Халқаро Муносабатлар институтининг Тошкент филиали (МГИМО-Ташкент)нинг Академик директори, физика-математика фанлари доктори, профессор Бакоев Матёқуб Тешаевич ўзининг “Сунъий интеллект математика ва математиклар учун” деб номланган маърузаси (маърузанинг тўлиқ матни мақола тарзида журналнинг шу сонида берилмоқда) билан қатнашиб, иштирокчиларни сунъий интеллект математика фанига, математикларга, умуман олганда ёшларни математикага ўқитиш жараёнларига қандай тўртки беришлиги тўғрисида аниқ ва яққол мисолларда кенг миқёсда тушунча бериб, ёшларни сунъий интеллект соҳасига жиддий илмий тарзда ёндашиш зарурлигига ўзининг прагматик йўналишларини босқичма-босқич тушунтириб берди.

Ўзбекистон Математик Жамияти томонидан ташкил этилган ушбу ўқув-семинари натижалари асосида хулоса қилсак, сунъий интеллект жадал ривожланишда давом этиб, халқ хўжалигининг барча

соҳаларига кириб боришда давом этади, бунда ҳар бир инсон ўз иш ўрнини йўқотмаслиги, яъний ишсиз бўлиб қолмаслиги учун эса фақат юқори малакали кадр бўлиши, илғор технологиялар ва сунъий интеллект билан ишлашни ўрганиши талаб этилади.



**Москва Давлат Халқаро Муносабатлар институтининг Тошкент филиали (МГИМО-Ташкент)нинг Академик директори, физика-математика фанлари доктори, профессор Матёқуб Тешаевич Бакоев**

Қисқача, инглизча айтадиган бўлсак “life long learning”, яъний ишсиз қолмаслик учун,



бутун ҳаётинг давомида таълим олмоқликдир.

Математикларга келадиган бўлсак, сунъий интеллектнинг асосини мураккаб алгоритмлар ташкил этганлиги сабабли, профессор М. Т. Бакоев маърузаларида кўрсатиб ўтганларидек, “сунъий интеллект (СИ) инсоннинг ижодкорлигини эмас, балки унинг имкониятларини оширувчи восита бўлиб қолади”.

Ўзбекистонда янги технологиялар, жумладан, сунъий интеллектнинг банк-молия, солиқ ва божхона, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги ва энергетика соҳаларига ва бошқа соҳаларга кенг жорий қилиниши давлат ва хусусий секторда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишни рағбатлантириб, мамлакатда рақамли

иқтисодий ривожлантириш ҳамда ҳар бир соҳага инновацияларни киритиш имкониятларини ошириб, келгусида замонавий илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланишга олиб келади.



**Ўқув семинарида қатнашган Ўзбекистоннинг бир гуруҳ иқтидорли ёшлари**

**Алишер Тоиров,**

Ўзбекистон Республикаси Бандлик вазирлигининг масъул ходими, Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси

# СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ МАТЕМАТИКА ВА МАТЕМАТИКЛАР УЧУН

Бақоев М. Т.<sup>1</sup>, Тоиров Ф. А.<sup>2</sup>,

<sup>1</sup>физика-математика фанлари доктори, профессор,  
Москва Давлат Халқаро муносабатлар институти Тошкент филиали  
(МГИМО-Ташкент)нинг Академик директори,  
<sup>2</sup>мустақил тадқиқотчи

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 октябрдаги “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-358-сонли қарори қабул қилинганидан сўнг, сунъий интеллект технологияси тушунчаси, ибораси ҳозирги кунда жуда кенг миқёсда ишлатилаётганлиги барчага аён. Ҳеч бир кунимиз йўқки сунъий интеллектсиз ўтса, ҳаётимизнинг ҳар куни, ҳар соати, ҳар дақиқаси жараёнида у билан чамбарчас ҳаракатдамыз.



Москва Давлат Халқаро Муносабатлар институтининг Тошкент филиали (МГИМО-Ташкент)нинг Академик директори, физика-математика фанлари доктори, профессор Бақоев Матёқуб Тешаевич мустақил тадқиқотчи Ф. А. Тоиров билан

Мазкур маърузани тайёрлашда реал воқийликдан келиб чиқиб, ҳозирги кунда ўз фаолиятимда, яъни ёшларга таълим бериш жараёнида, бевосита фойдаланиб келаётган сунъий интеллект технологиясини амалиётда қўлланилиши юзасидан тайёрланган режа асосида босқичма-босқич ахборот тарзида маълумот бериб ўтмоқчиман.

## Маърузамизнинг режаси қуйидагича:

1-дан, Кириш. Сунъий интеллект (СИ) (Artificial intelligence (AI) – сунъий интеллект) қўлланилиш соҳалари.

2-дан, Сунъий интеллект (СИ) дастурлари.

3-дан, Сунъий интеллект (СИ) математик восита сифатида.

4-дан, Сунъий интеллект (СИ) математик талабалар учун.

5-дан, Сунъий интеллект (СИ) математика ўқитувчилари учун.

6-дан, Сунъий интеллект (СИ) университет математика профессорлари учун.

7-дан, Математик таълим ва ўқув жараёнида Сунъий интеллект (СИ) технологиялари.

8-дан, Сунъий интеллект (СИ)нинг муаммолари ва чекловлари.

9-дан, Сунъий интеллект (СИ) математикларни алмаштира оладими?

Сунъий интеллект (СИ) нима деган саволга қисқача қўйидагича жавоб бериш мумкин:

- Сунъий интеллект (СИ) – инсон таффақурига тақлид қилувчи алгоритмлар ва тизимлар мажмуаси.

Сунъий интеллект (СИ) маълумотларни ўрганиш, қарор қабул қилиш ва муаммоларни ҳал қилиш учун ишлатилади.

Сунъий интеллект (СИ)нинг асосий мақсади – мураккаб муаммоларни автоматик равишда ҳал қилиш ва қарор қабул қилиш жараёнларини яхшилашдир.

Сунъий интеллект (СИ)нинг қўйидаги турлари мавжуд:

Аниқ Сунъий интеллект (СИ) (Narrow AI) – муайян вазифалар учун махсус ишлаб чиқилган (масалан, шахмат дастури).

Умумий Сунъий интеллект (СИ) (General AI) – инсон даражасида тафаккур ва муаммоларни ҳал қилиш қобилиятига эга.

Супер Сунъий интеллект (СИ) (Super AI) – инсон билим ва тафаккуридан юқори интеллектуал қобилиятга эга бўлган назарий модел.

Сунъий интеллект (СИ)нинг қўлланиш соҳалари жумласига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- Тиббиёт – касалликларни аниқлаш, дори моделларини яратиш, тиббий ёрдамни автоматлаштириш.

- Молиявий хизматлар – фирибгарликни аниқлаш, кредит рейтинглари, инвестиция таҳлили.

- Саноат ва муҳандислик – робототехника, ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш.

- Транспорт – автоном автомобиллар, йўл ҳаракатини бошқариш тизимлари.

- Таълим – шахсийлаштирилган таълим тизимлари, автоматик баҳолаш.

- Криптография ва хавфсизлик – кибертаҳдидларни аниқлаш, шифрлаш

алгоритмларини кучайтириш.

- Илмий тадқиқотлар – математик моделлаштириш, автоматик теорема исботлаш.



**Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Математика институти директори ўринбосари, физика-математика фанлари доктори, профессор Аброр Худойбердиев**

Сунъий интеллект (СИ)нинг қўйидаги “ДАСТУР”лари мавжуд:

- Wolfram Alpha – математик ҳисоб-китоблар, дифференциал тенгламалар, функция таҳлили.

- Mathematica – илмий тадқиқотлар, математик моделлаштириш, график анализ.

- Maple – алгебра, анализ, ҳисоблаш техникаси.

- Coq – автоматлаштирилган теорема исботлаш, расмий далиллар.

- Lean – математик исботлар, формаллаштирилган мантиқ.

- SageMath – очиқ кодли математик дастурий таъминот, статистика ва геометрия.

- Mathos – математик ҳисоб-китоблар, алгебраик таҳлил, формула генерацияси.

- DeepMind AlphaFold – протеин моделлаштириш, биологик тадқиқотлар.

- AlphaTensor – матрица қўпайтиришнинг оптималлаштирилган усуллари.
- TensorFlow – машинани ўргатиш (ML) ва чуқур ўрганиш (DL)
- PyTorch – нейрон тармоқлар ва сунъий интеллект моделларини яратиш.
- ChatGPT – табиий тилни қайта ишлаш, автоматик матн генерацияси.
- Сунъий интеллект (СИ) математик восита сифатида қўйидаги йўналишларда қўлланилишлиги мумкин:
  - Символик ҳисоблаш – математик формулаларни соддалаштириш, дифференциал ва интеграл ҳисоблаш.
  - Автоматлаштирилган теорема исботлаш – расмий математик исботларни яратиш ва текшириш (Lean, Coq, HOL Light)
  - Машинани ўргатиш (ML) – математик нақшларни аниқлаш, алгебра ва комбинаторика муаммоларини ечиш.
  - Оптималлаштириш алгоритмлари – мураккаб математик масалаларни ечиш (Genetik алгоритмлар, Gradient усуллар).
  - Дифференциал тенгламалар таҳлили – Математик моделлаштириш ва физик жараёнларни башорат қилиш.
  - Статистик таҳлил ва прогнозлаш – маълумотлар таҳлили ва эҳтимоллик моделларини яратиш.
  - Математик моделлаштириш – физика, иқтисодиёт ва муҳандислик учун симуляциялар яратиш.
- Сунъий интеллект (СИ) математик талабалар томонидан қўйидаги йўналишларда қўлланилишлиги мумкин:
  - Математик ҳисоб-китоблар – Wolfram Alpha, Maple, Mathematica орқали тез ва аниқ ҳисоблаш.
  - Автоматлаштирилган теорема исботлаш – Lean, Coq, HOL Light ёрдамида исботларни текшириш.
  - Шахсийлаштирилган ўқитиш – Khan Academy AI, Socratic AI орқали индивидуал ўқитиш дастурлари.
  - Дифференциал тенгламалар – SageMath ва Mathematica ёрдамида аналитик ва сонли ечимларни топиш.
  - Маълумотлар таҳлили – Python ва R дастурлари орқали статистик таҳлил ва визуализация.
  - Математик моделлаштириш – MATLAB ва TensorFlow ёрдамида илмий моделлар яратиш.
  - Автоматик баҳолаш тизимлари – Online тест тизимлари, масалан, Gradescope орқали уй вазибаларини баҳолаш.
  - Криптография ва алгоритмик математика – Сунъий интеллект (СИ) асосида шифрлаш тизимларини яратиш ва таҳлил қилиш.
- Сунъий интеллект (СИ) математика ўқитувчиларитомониданқўйидаги йўналишларда қўлланилишлиги мумкин:
  - Дарс материалларини яратиш – AI ёрдамида дарс режаларини тузиш ва интерактив контент яратиш (ChatGPT, MathType)
  - Автоматик баҳолаш тизимлари – Талабаларнинг тест ва назорат ишларини автоматик текшириш (Gradescope, Moodle AI)
  - Математик моделлаштириш – Mathematica, Maple, MATLAB орқали мураккаб математик концептларни тушунтириш.
  - Шахсийлаштирилган ўқитиш – AI орқали индивидуал билим даражасидаги мос ўқув дастурларини яратиш (Khan Academy AI).
  - Виртуал репетиторлар – Photomath, Wolfram Alpha ёрдамида талабалар учун қўшимча машғулотлар.
  - Математик визуализация – GeoGebra ва Desmos орқали график ва геометрик моделлар яратиш.
  - Маълумотларни таҳлил қилиш – Ўқувчилар натижаларини таҳлил қилиш ва уларнинг ривожланиш динамикасини кузатиш.
  - Академик плагиатни аниқлаш – AI орқали илмий ва ўқув ишлари плагиатлигини текшириш

(Turnitin, Grammarly).

Сунъий интеллект (СИ) университет математик профессорлари томонидан қуйидаги йўналишларда қўлланилиши мумкин:

- Илмий тадқиқотлар – Автоматлаштирилган теорема исботлаш (Lean, Coq, Hol Light).

- Математик моделлаштириш – MATLAB, Mathematica, Maple орқали илмий симуляциялар яратиш.

- Академик нашрлар – AI ёрдамида мақолаларни таҳлил қилиш ва ёзиш жараёнини соддалаштириш (ChatGPT, Grammarly AI).

- Шахсийлаштирилган ўқитиш – AI асосида талабаларга мос индивидуал таълим стратегияларини ишлаб чиқиш.

- Автоматик баҳолаш тизимлари – Талабаларнинг назорат ишлари ва тестларини автоматик баҳолаш (Gradescope, Moodle AI).

- Маълумотлар таҳлили – Ўқув натижаларини AI орқали чуқур таҳлил қилиш ва таълим самарадорлигини ошириш.

- Математик дастурларни ривожлантириш – Python (SymPy), TensorFlow, PyTorch ёрдамида алгоритмик тадқиқотлар.

- Академик плагиатни аниқлаш - Илмий ва ўқув ишлари плагиатини AI орқали текшириш (Turnitin, iThenticate)

- Интерактив таълим материаллари – GeoGebra, Desmos орқали визуал ва интерактив математик дарслар яратиш.

Сунъий интеллект (СИ) университет математик тадқиқотчилари томонидан қуйидаги йўналишларда қўлланилиши мумкин:

- Автоматлаштирилган теорема исботлаш - Lean, Coq, Hol Light ёрдамида расмий далилларни исботлаш.

- Математик моделлаштириш - MATLAB, Mathematica, Maple орқали илмий симуляциялар ва ҳисоблашлар.

- Маълумотлар таҳлили ва прогнозлаш – Python (SymPy, Pandas), R ёрдамида статистик таҳлил ва башоратлар.

- Экспериментал математика – AI орқали янги математик қонуниятларни топиш ва синаб кўриш.

- Оптималлаштириш алгоритмлари – Генетик алгоритмлар, градиент тушиш ва тармоқ оптималлаштириш.

- Нейрон тармоқлар ва алгебраик структуравий тадқиқотлар – TensorFlow, PyTorch ёрдамида ўрганиш ва моделлаштириш.

- Математик тадқиқотлар учун AI ёрдамчилари – AlphaTensor, DeepMind AI орқали математик фаразлар яратиш.

- Академик мақолаларни яратиш ва текшириш – ChatGPT, Grammarly AI, Turnitin орқали илмий мақолалар таҳлили.

- Дифференциал тенгламалар таҳлили – Сонли ва аналитик ечимларни автоматлаштириш.

- Илмий ҳамкорлик ва автоматик рефератлар - Сунъий интеллект (СИ) ёрдамида тадқиқот натижаларини умумлаштириш ва таржима қилиш.



**Москвава Давлат Халқаро муносабатлар институти Тошкент филиали (МГИМО-Ташкент)нинг мустақил тадқиқотчиси Ф. А. Тоиров Ўзбекистоннинг бир гуруҳ иқтидорли ёшлари билан**

Математик таълим ва ўқув жараёларида Сунъий интеллект (СИ) технологиялари қуйидаги йўналишларда қўлланилиши мумкин:

- Шахсийлаштирилган таълим – AI ёрдамида талабаларга мослаштирилган ўқув

татериаллари (Khan Academy AI, Socratic).

- Математик масалаларни автоматик ечиш – Photomath, Wolfram Alpha, Symbolab ёрдамида комплекс ҳисоб-китоблар.

- Автоматик баҳолаш тизими – Moodle AI, Gradescope орқали тест ва назорат ишларини автоматик текшириш.

- Математик визуализация – GeoGebra, Desmos орқали функция графиги ва геометрик моделлар яратиш.

- Интерактив ўқув материаллари - Сунъий интеллект (СИ) ёрдамида интерактив дарсликлар ва виртуал лабораториялар яратиш.

- Талабаларнинг ўқув натижаларини таҳлил қилиш – AI орқали ўқув жараёни самарадорлигини баҳолаш ва ўзлаштириш даражасини аниқлаш.

- Математик моделлаштириш - MATLAB, Maple ва Mathematica ёрдамида илмий ва таълимий моделлар яратиш.

- AI ёрдамида репетиторлик – Chatbotlar ва AI тизимлари ёрдамида мустақил ўрганиш имкониятлари.

- Математик саводхонликни ошириш – AI асосида мослаштирилган ўқув режаларини ишлаб чиқиш.

Сунъий интеллект (СИ)нинг муаммолари ва чекловлари мавжуд, бизнинг назаримизда улар қуйидагилардан иборат:

- Сунъий интеллект (СИ) томонидан яратилган исботларнинг тушунарлилиги – AI томонидан яратилган мураккаб исботлар инсон томонидан қийин тушунилади.

- Ишончлилик ва текшириш муаммолари – AI натижалари ҳар доим 100 фоиз тўғри бўлмаслиги, нотўғри алгоритмлар муаммолари.

- Маълумотлар сифати ва етишмовчилиги – AI самарадорлиги берилган маълумотларнинг сифатига боғлиқ.

- Ахлоқий ва ҳуқуқий масалалар – AI орқали олинган илмий натижаларнинг муаллифлик ҳуқуқлари аниқлиги.

- Комплекс ҳисоботларнинг катта қувват талаб қилиши – Катта маълумотлар билан ишлашда юқори ҳисоблаш ресурслари талаб этилади.

- Математик интуитив фикрлашни алмаштира олмаслиги – AI ҳозирча инсон ижодкорлиги ва математик тафаккур даражасига етмаган.

- Хатолар ва нотўғри қарорлар қабул қилиш эҳтимоли – AI алгоритмлари нотўғри ўқитилган бўлса ёки нотўғри маълумотлардан фойдаланилса, нотўғри натижалар ҳосил қилади.

- “AI”га ортиқча ишонч муаммоси – Баъзи ҳолларда AI натижалари текширилмасдан қабул қилиниши мумкин, бу эса нотўғри илмий хулосаларга олиб келади.

Сунъий интеллект (СИ)нинг келажак истиқболлари деб қуйидагиларни ҳисоблаймиз:

- Математик тадқиқотлар – AI мураккаб математик муаммоларни мустақил ҳал қилишга яқинлашади.

- Автоматлаштирилган исботлар – AI янада аниқроқ ва тушунарли теорема исботларини яратади.

- AI ва инсон ҳамкорлиги – Инсон ва AI биргаликда янги математик назарияларни ишлаб чиқади.

- Шахсийлаштирилган таълим – AI ҳар бир талаба учун индивидуал таълим дастурларини яратади.

- Маълумотлар таҳлили ва прогнозлаш – Катта маълумотлар (Big Data) таҳлили орқали аниқ башорат қилиш имкониятлари кенгайди.

- Оптимизация алгоритмлари – AI орқали ишлаб чиқилган янги оптималлаштириш усуллари мураккаб тизимларни бошқаришни соддалаштиради.

- Квант AI - Квант ҳисоблаш AI нинг математик ва илмий масалаларни ҳал қилиш имкониятларини оширади.

- Ахлоқий ва ҳуқуқий масалалар – AI томонидан киритилган натижаларни назорат





қилиш ва ҳуқуқий тартибга солиш зарурияти ошади.

- Ижодий тафаккур ва инновациялар – AI янги математик фаразларни яратишда инсон тафаккурини тўлдиради.

Сунъий интеллект (СИ) математик тадқиқотларда ва ҳисоб-китобларда муҳим роль ўйнайди, лекин инсон тафаккурининг ўрнини тўлиқ эгаллаши мураккаб масала.

**Қуйидаги жадвалда AI нинг имкониятларини инсон математик тафаккури билан солиштириш келтирилган:**

т/р	Хусусият	Сунъий интеллект (СИ)	Инсон математик тафаккури
1	2	3	4
1	Ҳисоб-китоб тезлиги	Жуда тез, катта маълумотларни қайта ишлаш имкониятига эга	Секинроқ, лекин тушунча асосида аниқроқ таҳлил
2	Матикий хулосалар чиқариш	Берилган маълумотлар асосида натижаларни ишлаб чиқади	Ўзаро боғлиқ тушунчалар асосида инновацион қарорлар қабул қилади
3	Ижодкорлик ва интуитив фикрлаш	Ҳозирча чекланган, мавжуд маълумотларга асосланган	Математик фаразлар яратиш ва ижодий ёндашувлар

4	Теорема исботлаш	Автоматлаштирилган, узун ва техник исботларни ҳосил қилади	Оддий, интуитив ва тушунарли исботлар яратади
5	Математик моделлаштириш	Катта миқдордаги маълумотларни таҳлил қилиб энг яхши моделни танлайди	Экспериментал йўллар орқали янги модел концепцияларини ишлаб чиқади
6	Мослашувчанлик	Олдиндан ўргатилган маълумотлар билан чекланган	Янги математик қоидаларни илгари суриш ва тушунчаларни қайта кашф қилиш
7	Этик ва фалсафий тафаккур	Ахлоқий ва фалсафий жиҳатларни тушуна олмайди	Илмий натижалар ахлоқий ва назарий жиҳатдан таҳлил қилинади
8	Келажакдаги роли	Математик ҳисоб-китоб ва моделлаштиришни автоматлаштиришда кучли восита	Математик фаразларни яратиш, тушунчаларни чуқур англашда асосий ролни сақлаб қолади

**Хулоса ўрнида қуйидаги фикрларни кўрсатиб ўтишни лозим топдик:**


1-дан, Сунъий интеллектнинг математика соҳасидаги аҳамияти жуда катта.

2-дан, Математикада инсон ва Сунъий интеллект (СИ) ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари кучайиб бораверади.

3-дан, Сунъий интеллект (СИ) инсоннинг ижодкорлигини эмас, балки унинг имкониятларини оширувчи восита бўлиб қолади.

Юқорида баён этилган барча масалалар

2024 йилнинг январидан бошлаб Москва Давлат Халқаро Муносабатлар институтининг Тошкент филиали (МГИМО-Ташкент) қошида ташкил этилган ҳамда ҳозирги кунда фаолият юритаётган “Научно-методический семинар «Инновации и цифра в образовании» (“Инновациялар ва рақам таълимда” илмий-услубий семинар)да батафсил кенгайтирилган ҳолда, тажрибали педагогик ходимлар иштирокида босқичма-босқич, бирма-бир, тасдиқланган режа асосида ўрганилиб, тажрибадан ўтказилиб борилмоқда.



# ПРИКОПКА ЗАГОТОВЛЕННЫХ ЧЕРЕНКОВ ШЕЛКОВИЦЫ ПРИ УКОРЕНЕНИИ В ОТКРЫТОМ ГРУНТЕ

Рахмонбердиев В. К.<sup>1</sup>, Абдуганиева С. Б.<sup>2</sup>,

<sup>1</sup>доцент ТашГАУ,

<sup>2</sup>студент ТашГАУ

**Аннотация.** В последнее время в почвенно-климатических условиях Узбекистана с успехом применяется эффективный способ ускоренного выращивания посадочного материала шелковицы деревянистыми черенками в открытом грунте. В агротехнике черенкования шелковицы важное значение имеют оптимальные сроки заготовки и условия предпосадочного хранения черенков. Известно, что сроки заготовки черенком и способы их хранения зависит от климатических условий района. Заготовка черенков для Узбекистана проводится в период покоя шелковицы в безморозное время, осенью по окончании вегетации, до поступления по окончании вегетации, до наступления заморозков, весной — до начала развития почек. Предпосадочная прикопка на 3-4 недели и горизонтальная посадка черенков на верху гряды на глубину 5-8 см обеспечивает высокий (70-80) процент укореняемости и необходимый прирост надземной части однолетних стандартных сформированных саженцев шелковицы. Причем простота устройства траншеи в открытом поле для черенков и непродолжительный период их хранения не требуют больших трудовых и денежных затрат.

**Ключевые слова:** сорт, черенки, саженцы, грунт, хранения, заготовка, почва, почек, горизонтальная посадка, побег, загнивания.

В последнее время в почвенно-климатических условиях Узбекистана с успехом применяется эффективный способ ускоренного выращивания посадочного материала шелковицы деревянистыми черенками в открытом грунте.

В школе однолеток мы получаем стандартные саженцы с трехветвистой кроной, а при двулетних стояниях — крупномерных саженцах с двухъярусной шести ветвистой кроной.

В агротехнике черенкования шелковицы важное значение имеют оптимальные сроки заготовки и условия предпосадочного хранения черенков.

Первые связаны с физиологической готовностью побегов к черенкованию, определяемой максимальной обеспеченностью питательными веществами однолетних маточных побегов, их зрелостью, а также обводненностью тканей.

Известно, что сроки заготовки черенков и способы их хранения зависят от климатических условий района. Так, в холодных районах с большим количеством осадков на тяжелых, плохо дренированных почвах черенки осенью не прикапывают, так как недостаточная аэрация может привести к их загниванию.

В местностях с мягкими зимами черенки обычно закладывают в ящики с влажным песком, опилками, стружками или другими местными материалами в неотапливаемом помещении. В жарких и сухих районах черенки хранят зимой в канаве, выкопанной в хорошо дренированной почве. Черенки можно закопать в кучу влажного песка в подвале, сарае или на открытом воздухе. Песок обычно прикрывают от высыхания каким-либо материалом.

Если заготовленные черенки до посадки хранят в специальных земляных траншеях, то выкапывать их нужно на слегка возвышенном месте, защищенном от ветра, с уровнем грунтовых вод не выше 1,5-2 м. Размеры траншей зависят от количества хранимых черенков. При длительном с осени черенки периодически просматривают, чтобы не допустить преждевременного развития почек. У таких черенков при высаживании листья будут образовываться до появления корней, что приведет их к гибели из-за потери воды через листья.

Преждевременное распускание почек значительно ухудшает окоренение черенков. Перед посадкой проверяют состояние посадочного материала: загнивший, подсушенный и с погибшими глазками выбраковывают. Ко времени посадки черенки раскапывают и высаживают. Особенно не допускается подсыхание черенков трудноокореняемых сортов.

Заготовка черенков для Узбекистана проводится в период покоя шелковицы в безморозное время, осенью — по окончании вегетации, до наступления заморозков, весной — до начала развития почек. Мы детально

исследовали оптимальность различных сроков заготовки черенков: осень, зима, ранняя и поздняя весна. Черенки хранимы в увлажненном песке в черенкохранилище при температуре 2.....50С и относительной влажности 85..... 90%. В увлажненном песке глазки начинали прорастать, а в сухом — нет. Длительное хранение черенков при осенних сроках заготовки снижает их жизнеспособность.

Даже при оптимальных условиях хранения происходит частичная потеря заносных питательных веществ. Для сокращения сроков хранения до минимума черенки лучше заготавливать до наступления сокодвижения.

Желательно вести посадку одновременно с заготовкой черенков или сразу же после их заготовки. Лучшие результаты дает немедленная посадка черенков в спелую почву.

Черенки, обработанные стимулирующими веществами, окореняются одинаково со свежезаготовленными в маточники. Однако при больших объемах работ по черенкованию шелковицы в открытом грунте на месте заготовки, а также в случае пересылки черенков требуется их кратковременное хранение. Конец февраля, в условиях Узбекистана совпадает с началом сокодвижения у шелковицы, и при раннем пробуждении почек на маточных кустах, если почва не «поспела» для посадки черенков в грунт, их необходимо хранить.

Черенки следует заготовить до начала сокодвижения одинаковой длины и связав их шпагатом сверху и внизу в пучки по 50-100 шт, поместить в траншеи глубиной 50-60 см на 3-4 недели до посадки в грунт в конце марта — начале апреля.

Черенки с перевернутыми вниз верхними концами нужно уложить в горизонтальном или вертикальном положении и прикопать почвой слоем 20-25 см, а траншеи засыпать влажной, но не мокрой почвой. В таком положении нижние концы черенков будут находиться при несколько

более высокой температуре, чем верхние, что способствует образованию у их основания корней и задержке развития почек.

К шпагату верхней части каждого пучка черенков прикрепляют деревянную этикетку с указанием названия сорта шелковицы количества черенков, места их заготовки и других необходимых сведений. Снаружи в почву вбивают колышки с этикетками, на которых обозначают название сорта и количество черенков.

В специальной тетради отмечают порядок укладки по сортам и количество черенков. При больших объемах заготовки черенков для каждого сорта шелковицы следует делать отдельную траншею или же сорт от сорта отделять земляными перемычками. Вовремя прикопки у значительной части черенков образуется каллюс и начинается набухание почек.

Необходимо заметить, что посадка черенков с набухшими почками и чечевичками требует более тщательного ухода за посадками, в частности обеспечения водного режима и аэрации. Черенки,

высаживаемые в день заготовки, сначала менее требовательны к условиям увлажнения.

Содержание влаги в прикопанных черенках в условиях ранневесеннего предпосадочного хранения с 54,1 % 10 марта увеличилось до 56,2% к 30 марта. Черенки шелковицы, высаженные в поле в день заготовки или предварительно прикопанные на 3-4 недели, развивались в течение вегетационного периода в основном синхронно, хотя в начале корнеобразования некоторое преимущество наблюдалось у прикопанных черенков.

Предпосадочная прикопка на 3-4 недели горизонтальная посадка черенков на вершину гряды на глубину 5-8 см обеспечивает высокий (70-80) процент укореняемости и необходимый прирост надземной части однолетних стандартных сформированных саженцев шелковицы.

Причем простота устройства траншеи в открытом поле для черенков и непродолжительный период их хранения не требуют больших трудовых и денежных затрат.

### Использованная литература:

1. Абдуллаев У. «Тутчилик» Тошкент. «Мехнат» 1991 йил.
2. Рахмонбердиев В.К., Ражабов Н.О. «Способы размножения сортового тутовника черенками в условиях Каршинской степи» Аграр соҳани барқарор ривожлантиришда фан-таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси. Ташкент-2020 г.
3. Рахмонбердиев В.К. «Продуктивность гибридной шелковицы при осенней эксплуатации в условиях Каршинской степи» Ж. «Шелк». Ташкент-1984 г.
4. Рахмонбердиев В.К., Курбонов Д.Ф. «Изучение роста черенков сортовой шелковицы в условиях Кашкадарьинской области» Интер наука. Научный журнал. Москва-2021 г.
5. Зинкина С.С. Сорта шелковицы. Повышения продуктивности кормовой базы шелководства. Ташкент-1970 г.

# КАРАМ ТАРКИБИДАН АЖРАТИБ ОЛИНГАН ПЕКТИН НАМУНАЛАРИ АСОСИДА МАРМЕЛАД РЕЦЕПТУРАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ

Абдирайимов А. Р.<sup>1</sup>, Ражабов С. Ж.<sup>2</sup>, Элбоева Ш. О.<sup>3</sup>,

<sup>1</sup>мустақил-тадқиқотчи, Тошкент давлат аграр университети

<sup>2</sup>ассистент, Тошкент архитектура-қурилиш университети

<sup>3</sup>ассистент, Тошкент давлат аграр университети

**Аннотация.** Ушбу мақолада пектин моддаларини ўзига хос хусусиятлари уларнинг сифати ва хавфсизлиги, пектинни озиқ-овқат саноат миқёсида фойдаланиш, пектинни стандартлаштириш бўйича халқаро тажриба натижалари, органолептик ва физик-кимёвий кўрсаткичлари тасвирланган.

**Таянч сўзлар:** пектин, пектинни саноатда қўлланилиши, мармелад, НМ - (high) юқори этерификацияланган пектин.

**2. Materials and methods.** Publications on breast cancer and CHEK2 gene mutations were retrieved from Scopus and analyzed using VOSviewer and other bibliometric tools. Over 550 articles (2018–2023) were collected based on the keywords "breast cancer, CHEK2 gene" and categorized by publication year, author, country, journal, and subject area. The data were exported in CSV format and processed in VOSviewer to identify key term occurrences, relationships, and trends. This Java-based tool employs a clustering algorithm for analyzing high-quality publications.

### 3. Result and discussion.

**3.1 Analyze-year.** Our studies in the field of self-education have allowed us to familiarize ourselves with articles published in the period from 2018 to 2022. As seen in figure 1, the number of published articles has significantly increased, especially in the period from 2018 to 2019 and from 2020 to 2021. In 2019–2020 and 2021–2022, this indicator was relatively low. A general analysis leads to the conclusion that the number of articles dedicated to the subject of our research continues to grow over time. Perhaps, this is associated with a growing interest in the topic and the noticeable influence of the CHEK 2 gene on the expansion of research in the field of science and technology.

**3.2 Document Type.** We have analyzed over 550 articles published in the SCOPS database from 2018 to 2022. The results of our research indicate that out of the 550 articles, 415 are regular articles, comprising 76% of the total number of publications, which is the highest percentage. Reviews, while often receiving more citations, are relatively less frequently published in our case, constituting only 19% of the total publications. We explained this circumstance by noting that reviews require more information, analysis, and research time. Of the assessed and published 550 articles, 5% are represented by notes, letters, editorials, and conference papers.

**3.3 Affiliation.** Scientific studies conducted in organizations on the topic of interest are depicted

in figure 3, reflecting the relationship between the number of studies and the organizations involved. As evident from the graph, organizations from the United States hold the top positions. The Memorial Sloan-Kettering Cancer Center in the USA occupies the highest position, represented by 29 studies. It is followed by the Harvard Medical School (USA) and the University of Cambridge (UK), each with 22 research projects, securing the second position. The overwhelming majority of scientific research is conducted in organizations located in the United States. Cancer research is considerably more complex in design compared to other areas of therapy, involving aspects such as criteria for selection, endpoints, and study locations [16]. Most likely, this has become a reason for the fact that major research is conducted in economically developed countries, such as the United States, the United Kingdom, and Canada.

**3.4 Number of Results.** The top three institutions are the National Cancer Institute with the highest result (68), followed by the National Institutes of Health (61) in second place, and the National Science Foundation of China (29) in third place. Following them is AstraZeneca with 17 articles.

**3.5 Subject Area.** The results of the correlation between the researched topic and the field of science are presented. As expected, the majority of studies (49%) were conducted in the field of Medicine, followed by (39%) in the field of Biochemistry, Genetics, and Molecular Biology. The remaining 12% are distributed among other scientific fields.

**3.6 Source Title.** The highest number of publications on the topic we are studying was in the journal "Cancers" with an impact factor of 6.5, where 17% of the articles we investigated were published. Following that is the "International Journal of Molecular Sciences" with an impact factor of 6.2. The journal "Breast Cancer Research and Treatment" (with an impact factor of 4.6) published 13% of the articles we studied.

**3.7 Country.** In the 6th figure, as observed, the country that published the most articles is the United

States, with 224 articles. China, making significant progress in many fields, occupies the second position with 66 articles. The United Kingdom is in the third position with 53 articles. The United States has led in the number of publications, scientific discoveries and citations. This trend aligns with numerous other studies across various research domain [17],[18]. None of the resource-limited countries participated as the primary author or leader in highly influential research. This trend has various reasons, with the distribution of funding by any country being the most crucial.

**3.8 Keywords.** Using VOSviewer, we conducted a keyword co-occurrence analysis. A total of 6578 author keywords were identified, and 25 keywords appeared more than 212 times. The keyword "checkpoint kinase 2" was used 544 times and positioned in the central position of the green cluster, which focuses on the diagnosis of breast cancer. Other keywords in this cluster include "breast cancer," "BRCA1," "human," "protein P53," and so on. It includes keywords such as "protein," "cancer patient," "ATM protein," "BRCA2," and so on. In the red cluster, the central keyword "female" was used 396 times and forms a cluster with words like "gen," "adult," "breast cancer," and so on. The yellow cluster's central keyword is "gene mutation", used 189 times, connecting and forming a cluster with words like "human," "CHEK2," "female," "genetics," "BRCA1,2," and so on. The term "checkpoint kinase 2" was the most frequently used term (544 occurrences), followed by the term "human" (539 occurrences).

It's noteworthy that the keyword "breast cancer" occupies the fourth position (418 occurrences). Recent studies show that the CHEK2 gene is closely related to the BRCA1 and BRCA2 genes. These genes are also major gene markers in breast cancer. Therefore, when entering the term "checkpoint kinase 2," the terms "BRCA1" and "BRCA2" are encountered more frequently than other genes. In our case, the terms "BRCA1" and "BRCA2" formed a separate cluster. Finally, the words "gene mutation," "clinical article," "mastectomy," and "mammography" formed a separate cluster [19,20].

**4. Conclusion.** This bibliometric analysis provides an overview of publication results with the keywords "checkpoint kinase 2" and "breast cancer" worldwide. It is worth noting that over the past few years, interest in the CHEK2 gene and its association with breast cancer has been growing steadily. The United States is the leading country in producing scientific knowledge. However, in recent years, China has made a significant contribution to the development of science in many fields. The keywords "checkpoint kinase 2" and "breast cancer" were chosen as key terms. The key term "checkpoint kinase 2" is more frequently associated with the words "human" and "female." As scientific research requires significant resources, low-income countries are not included in this category. Citations of articles on this topic have been increasing each year, which can be attributed to the growing interest in the CHEK2 gene.

#### References:

1. Sharma R (2019) Breast cancer incidence, mortality and mortality-to-incidence ratio (MIR) are associated with human development, 1990–2016: evidence from Global Burden of Disease Study 2016. *Breast Cancer* 26: 428–445.
2. Global Burden of Disease Cancer Collaboration, Fitzmaurice C, Abate D, et al. (2019) Global, Regional, and National Cancer Incidence, Mortality, Years of Life Lost, Years Lived With Disability, and Disability-Adjusted Life-Years for 29 Cancer Groups, 1990 to 2017: A Systematic Analysis for the Global Burden of Disease Study. *JAMA Oncol* 5: 1749.

3. Mattiuzzi C, Lippi G (2019) Current Cancer Epidemiology: JEGH 9: 217.
4. Arnold M, Morgan E, Rumgay H, et al. (2022) Current and future burden of breast cancer: Global statistics for 2020 and 2040. *The Breast* 66: 15–23.
5. Bali EB (2023) Drug Repurposing in Cancer Research: A Bibliometric Analysis from 2012 to 2021. *CCTR* 19: 156–170.
6. Zimmer Y, Reinhardt HC, Medová M (2020) Editorial: Exploiting DNA Damage Response in the Era of Precision Oncology. *Frontiers in Oncology* 10.
7. Fresno-Alba S, Denche-Zamorano Á, Pastor-Cisneros R, et al. (2023) Breast cancer and physical activity: A bibliometric analysis. *Front Oncol* 12: 1051482.
8. Ansari N, Shahrabi S, Khosravi A, et al. (2019) Prognostic Significance of CHEK2 Mutation in Progression of Breast Cancer. *Lab Medicine* 50: e36–e41.
9. Glynn RW, Scutaru C, Kerin MJ, et al. (2010) Breast cancer research output, 1945–2008: a bibliometric and density-equalizing analysis. *Breast Cancer Res* 12: R108.
10. Zhang Y, Guo Y, Zhang C (2023) A bibliometric study of the top 100 most cited papers on aging and cancer. *Medicine* 102: e34428.
11. Xie Y, Shi K, Yuan Y, et al. (2023) Bibliometric Analysis Reveals the Progress of PM2.5 in Health Research, Especially in Cancer Research. *IJERPH* 20: 1271.
12. Haroon, Li Y-X, Ye C-X, et al. (2021) The 100 Most Cited Publications in Aging Research: A Bibliometric Analysis. *ELECTRON J GEN MED* 19: em342.
13. Hao K, Jia X, Dai W, et al. (2022) Mapping Intellectual Structures and Research Hotspots of Triple Negative Breast Cancer: A Bibliometric Analysis. *Front Oncol* 11: 689553.
14. Ha R, Chow D, Wynn R (2014) Global Trend in Breast Cancer Imaging Research 1992–2012: Bibliometric Study. *American Journal of Roentgenology* 202: 696–697.
15. Ling F, Qi W, Li X, et al. (2023) Bibliometric Analysis of Acupuncture Therapy for Cancer Pain Over the Past 10 Years. *JPR Volume* 16: 985–1003.
16. Zhang M, Onakpoya I, Rupalla K (2022) International oncology drug approvals for multiregional or single-country clinical trials: A systematic review. *Front Med* 9: 1084980.
17. Delwiche FA (2018) Bibliometric Analysis of Scholarly Publications on the Zika Virus, 1952–2016. *Science & Technology Libraries* 37: 113–129.
18. Kash DE, Rycroft RW (1994) Technology policy: Fitting concept with reality. *Technological Forecasting and Social Change* 47: 35–48.
19. Cabral BP, Da Graça Derengowski Fonseca M, Mota FB (2018) The recent landscape of cancer research worldwide: a bibliometric and network analysis. *Oncotarget* 9: 30474–30484.
20. Alkhayyat S, Khan M, Ahmad T, et al. (2022) A bibliometric analysis of the top 100 most cited papers and research trends in breast cancer related BRCA1 and BRCA2 genes. *Medicine* 101: e30576.

# HAQIQIY ARILAR (VESPIDAE): TAKSONOMIYASI, BIOLOGIYASI VA TARQALISHI BO‘YICHA TAHLIL

Yuldosheva Jamila Xayrulla qizi,

Ilm-u Ziyo Akademiyasi ma’sulyati cheklangan jamiyat o’qituvchisi

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada Vespidae oilasiga mansub haqiqiy arilarning taksonomik tasnifi, biologik va ekologik jihatlari, tarqalishi, ekotizimlardagi roli hamda xo’jalikdagi ahamiyati haqida xorijiy tadqiqotlar tahlil qilingan.

**Tayanch so’zlar:** Vespidae, Masarinae, toksonomiyasi, tarqalishi.

**Kirish.** Tabiiy ekotizimlarning muvozanatli rivojlanishi va biologik xilma-xillikni saqlash insoniyat taraqqiyoti uchun muhim ahamiyatga ega. Quruqlik ekotizimlarining ajralmas qismi bo’lgan hasharotlar (Insecta) turlar soni bo’yicha Erdagi eng yirik hayvonlar guruhini tashkil etadi. Ilmiy manbalarga ko’ra, hozirgacha dunyo bo’ylab 1 milliondan ortiq hasharot turlari tasvirlangan bo’lib, ular 949 ta oila va 29 ta turkumga ajratilgan [1]. Masalan, Braziliya biologik xilma-xillik bo’yicha etakchi davlatlardan biri hisoblanadi va jahondagi hasharotlar turlarining taxminan 10% ushbu hududda uchraydi [2]. Shu bilan birga, MDH mamlakatlarida 670 mingdan ziyod hasharot turlari qayd etilgan bo’lsa, O’zbekistonda bu ko’rsatkich 15 mingga yaqinni tashkil etadi [3].

Pardaqaotlilar (Hymenoptera) turkumi dunyoning deyarli barcha mintaqalarida uchraydi va uning tarkibiga 94 ta oila, 8423 ta avlod hamda 155,5 mingga yaqin tasvirlangan turlar kiradi. Ayrim tadqiqotlarda bu raqam 250-300 ming turgacha

etishi mumkinligi qayd etilgan [4]. Palearktik mintaqada Hymenoptera turkumiga mansub turlar soni 50-60 ming atrofida bo’lsa, Rossiya hududida ushbu turkum 78 ta oila, 1500 ta avlod va 15 mingga yaqin tur bilan ifodalanadi.

Vespidae oilasi pardaqaotlilar turkumiga mansub bo’lib, eng yirik oilalardan biri hisoblanadi. Ularning vakillari yakka yashovchi va jamoa bo’lib yashovchi shakllarga bo’linadi. Hozirgacha bu oilaga mansub 6 ta kenja oila, 256 ta avlod va 5274 ta tur aniqlangan [5]. Ilgari ular uchta guruhga - jamoaviy yashovchi arilar (Vespinae), gul arilar (Masaridae) va euminalar (Eumenidae) sifatida ajratilgan. Hozirgi vaqtda esa Euparagiinae, Masarinae, Eumeninae, Stenogastrinae, Vespinae va Polistinae kenja oilalariga bo’lingan. Euparagiinae kenja oilasi asosan Nearktika mintaqasining janubi - g’arbiy qismida uchraydi va 10 turdan iborat [6]. Ushbu kenja oila vakillari Odynerus avlodiga yaqin turadi. Stenogastrinae kenja oilasi esa Nearktika, Sharqiy Osiyo va Avstraliya hududlarida tarqalgan bo’lib,

taxminan 50 turga ega. Masarinae kenja oilasi esa asosan gul chang'larini iste'mol qiluvchi turlarni o'z ichiga oladi. Bu kenja oilaga mansub 16 ta avlod va 297 tur mavjud bo'lib, Palearktika hududida 5 avlod va 104 tur qayd etilgan [7]. Rossiyada ushbu oila vakillari asosan Evropaning janubiy qismida, Kavkaz va O'rta Osiyo mintaqalarida uchraydi.

Vespinae kenja oilasiga Palearktika mintaqasida 3 ta avlod va 30 ta tur, Eumeninae kenja oilasiga esa 71 ta avlod va 887 tur kiradi [8]. Polistinae kenja oilasi ijtimoiy arilar ichida eng keng tarqalgan bo'lib, ular 26 ta avlod va 985 ta turdan iborat. Ushbu guruh vakillari Antarktidadan tashqari barcha qit'alarda uchraydi.

Polistes avlodi ijtimoiy arilar ichida eng ko'p tarqalgan guruh hisoblanadi va 222 ta turga ega. Bu hasharotlar ayniqsa tropik hududlarda keng tarqalgan.

Haqiqiy arilar global miqyosda keng tarqalgan bo'lib, ularning biologik xilma-xilligi turli mintaqalarda farq qiladi. Tropik va subtropik hududlarda ularning turlari ko'proq bo'lsa, sovuq

iqlimli mintaqalarda soni nisbatan kamroq. Polistinae va Vespinae kenja oilalari Shimoliy Amerika, Evropa va Osiyoda keng uchrasa, Masarinae kenja oilasi ko'proq Janubiy Amerika, Afrika va Avstraliyada tarqalgan. Bu hasharotlar yashash joylariga moslashib, o'rmonlardan tortib, shahar muhitlarigacha turli ekotizimlarda uchraydi [2].

Haqiqiy arilar (Vespidae) oilasi ekologik tizimlarda muhim rol o'ynaydi. Ularning aksariyati jamoaviy yashovchi bo'lib, biologik xilma-xillikni ta'minlashda, o'simliklarni chang'latishda va boshqa hasharotlarni nazorat qilishda ishtirok etadi.

Bundan tashqari, Vespidae vakillari zararkunanda hasharotlar sonini nazorat qilishda muhim ahamiyat kasb etadi. Bu oila vakillari nafaqat ekotizimlarning muvozanatini saqlashda, balki inson xo'jalik faoliyatida ham ahamiyatga ega. Ilmiy nashrlardagi tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, bu hasharotlarning populyasiyasini o'rganish va ularning biologik rolini chuqurroq tushunish muhim ilmiy ahamiyat kasb etadi.

### Foydalanilgan adabiyotlar

1. Giljarov M.S. «Klass Otkrytochljustnye, ili Nastojashhie nasekomye (Insecta - Ectognatha)». Jizn jivotnyx. Moskva: Prosveshhenie, 1984. T.3, S. 126-171.
2. Santos G.M.M., Bichara F.C.C., Resende J.J., Cruz J.D. & Marques O.M. "Diversity and community structure of social wasps". Neotropical Entomology, 36, 2007, P. 180-185.
3. Azimov D.A., Bekuzin A.A., Davletshina A.G., Kadyrova M.K. "Nasekomye Uzbekistana". Toshkent: Fan AN RUz, 1993. 340 s.
4. Archer M.E. "Taxonomy, distribution and nesting biology of the species of the genus Paravespula". Entomologist's monthly magazine, V. 144, 2008, P. 5-29.
5. Carpenter J.M. "Phylogenetic relationships and the origin of social behavior in the Vespidae". The Social Biology of Wasps. Cornell University Press, 1991. P. 7-32.
6. Richards, O.W. "The social wasps of the Americas, excluding the Vespinae". British Museum (Natural History), London, 1978. 580 p.
7. Bärni D., Pavlov D.S. «Jivotnie: Illjustrirovannaja jenciklopedija jivotnyx vsego mira». London, 2001, S. 524-624.
8. Lelej A.S. and Loktionov V.M. "Family Pompilidae (Psammocharide) – Spider wasps". Annotated Catalogue of the Insects of Russian Far East. Vol. I. Hymenoptera. Dalnauka, Vladivostok, 2012. P. 407-414.

# RIJIK (CAMELINA SATIVA L.) NAVLARI URUG'LARINI DALA SHAROITIDAGI UNUVCHANLIGIGA EKISH MUDDATI VA ME'YORLARINING TA'SIRI

Zuxriddinov M, R.<sup>1</sup>, Qurbonov A. A.<sup>2</sup>,

<sup>1</sup>Toshkent davlat agrar universiteti O'simlikshunoslik va moyli ekinlar kafedrası tayanch doktoranti (PhD)

<sup>2</sup>Toshkent davlat agrar universiteti O'simlikshunoslik va moyli ekinlar kafedrası doktoranti (DSc), q.x.f.f.d

**Annotatsiya.** Maqolada Toshkent viloyati tipik bo'z tuproqlar sharoitida rijik navlari kuzgi, bahorgi va yozgi muddatda turli ekish me'yorlarida ekilganda uning unib chiqishi va amal davri oxiridagi o'simlik tup soniga ta'siri bo'yicha tadqiqot natijalari keltirib o'tilgan.

**Kalit so'zlar:** camelina sativa L., navlar, urug', ekish muddati, ekish me'yori, unuvchanlik.

**Kirish.** Rijik (*Camelina sativa* L.), Karamguldoshlar (Brassicaceae) oilasiga mansub qadimiy moyli o'simlik bo'lib, yaxshi agrotexnik xususiyatlari va istiqbolli sanoat va sog'lom oziq-ovqat mahsulotlari tufayli hozirgi vaqtda tobora ko'proq e'tibor qozonmoqda [1]. Rijik moyiga bo'lgan qiziqishning ortishi uning tarkibida ko'p miqdorda muhim to'yinmagan yog' kislotalari, ya'ni omega-6 yog' kislotasi va omega-3 yog' kislotasi mavjudligidan kelib chiqadi [3]. Rijik moyidan laklar, bo'yoqlar, kosmetika va farmatsevtika mahsulotlari, shuningdek moylash materiallari, yopishtiruvchi moddalar va qadoqlash materiallarida olishda keng qo'llanilishi mumkin [5].

Hozirgi vaqtda bioyoqilg'i ekinlari energiya olish uchun muhim manba hisoblanadi. Ko'pgina olimlar doimiy ravishda barqaror biomassadan bioyoqilg'i ishlab chiqarishga harakat qilmoqdalar, chunki u qayta tiklanmaydigan yoqilg'ilarga qarshi samarali alternativ hisoblanadi. Rijik moyi aynan shu talablarga javob bera oladi [6]. Qishki rijik

noan'anaviy va istiqbolli moyli o'simlik bo'lib, ayniqsa qishi sovuq mintaqalarda yetishtirish uchun mo'ljallangan [2]. Bir qator agrotexnik xususiyatlar rijikga boshqa moyli ekinlardan ustunlik berib, uning tez orada keng tarqalishiga yordam berdi. U, aslida, qishloq xo'jaligi ekinlariga nisbatan past agrotexnik talablarga ega, sovuq va qurg'oqchilikka, shuningdek, Karamguldoshlar oilasiga mansub moyli ekinlariga tez-tez ta'sir qiladigan kasalliklarga chidamli hisoblanadi [4].

## Tadqiqot o'tkazish sharoiti va uslublari.

Tadqiqotlarimiz 2022-2023 yillar mobaynida Toshkent viloyatining tipik bo'z tuproqlari sharoitida olib borilgan bo'lib, rijik (*Camelina sativa* L.) urug'larining dala sharoitidagi unuvchanligiga ekish muddati va me'yorlarining ta'siri o'rganildi. Tadqiqotlarimizda rijikni kuzdagi, bahorgi va yozgi muddatlarda 4,0, 6,0, 8,0, 10,0 mln.dona/ga ekish me'yorlari sinab ko'rildi. Mazkur dala tajribalari 20 ta dan variantni o'z ichiga olib, har bir variantning egallagan maydoni 28 m<sup>2</sup>, shundan hisobga



olinadigani 14 m<sup>2</sup> ni tashkil etdi. To'rt qaytariqda olib borildi. Tadqiqotlar dala va laboratoriya sharoitlarida olib borilib, bunda dala tajribalarini joylashtirish, hisoblashlar va kuzatuvlar "Dala tajribalarini o'tkazish uslublar||i, o'simliklardagi tahlillar "Методика государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур" uslubiy qo'llanmalari asosida olib borilgan [7, 8, 9]. Tajribada rijik (Camelina sativa L.) ning "Kristall", "Karat" va "Penzyak" navlarini kuzda oktabr oyining uchunchi, bahorgi muddatda mart oyining birinchi va takroriy ekin sifatida iyun oyining uchunchi o'n kunligida gektariga 4,0, 6,0, 8,0 10,0 mln.dona unuvchan urug' hisobida, 1,5-2 sm chuqurlikda ekildi.

**Tadqiqot natijalari.** Rijik urug'i tez unib chiqadigan va maysalari tez shakllanadigan o'simliklar guruhiga kiradi. Urug'lari qanchalik yirik bo'lsa, unib chiqish energiyasi shunchalik yuqori bo'ladi.

Birinchi yilgi tajribalarda Kristal navi kuzgi muddatda ekilganda maysalar soni ekish me'yoriga bog'liq holda 308,5-790,5 dona/m<sup>2</sup>, Karat navida 305,3-774,3 dona/m<sup>2</sup> va Penzyak navida 298,5-765,8 dona/m<sup>2</sup> ni tashkil qilib, unuvchanlik Kristal navida 77,1-79,1% ni, Karat navida 76,3-77,4% ni va Penzyak navida esa 74,6-76,6% ni tashkil qilgan. Ekish me'yori oshgan sari Kristal navida maysalar soni 161,8-482 donaga yoki 2% ga, Karat navida 153-468,7 donaga yoki 1,1% ga, Penzyak navida 155,3-467,3 donaga yoki 2% ga oshganligi aniqlandi. Bahorgi muddatda ham maysalar yaxshi unib chiqib, amal davri boshidagi o'simliklar tup soni Kristal navida 314,8-807,8 dona/m<sup>2</sup> da bo'lib, unuvchanlik 78,7-80,8% ga teng bo'lgan. Rijikning Kristal navi yozda yoki takroriy ekin sifatida ekilganda maysalar soni boshqa muddatlarga nisbatan kamayib ekish me'yoriga bog'liq holda 292,5-757,8 dona/m<sup>2</sup> da bo'lib, unuvchanligi 73,1-76,0% ni tashkil etgan.

Ekish me'yori oshgan sari maysalar soni nisbiy ko'rsatkichda ham oshib borgan. Kristal navida maysalar soning ko'p bo'lganligi bu navda 1000 ta urug' vazni boshqa navlarga nisbatan yuqori bo'lganligi bilan izohlash mumkin. Yozgi muddatda ekilganda o'simlik

soni amal davrining boshida navining yozgi issiq va quruq havo sharoitiga chidamsizligini bildiradi.

O'rtacha 3 yillik ma'lumotlar bo'yicha rijik navlari kuzda ekilganda Kristal navida amal davrini boshlanishida o'simlik tup soni 304,0-778,8 dona/m<sup>2</sup> da bo'lib, bu 76,0-77,9% ni tashkil qilgan. Karat navida 301,4-762,8 dona/m<sup>2</sup> bo'lib 75,4-76,3% ni, Penzyak navida 296,3-756,7 dona/m<sup>2</sup> bo'lib, bu 74,1-75,7% ni tashkil qilgan.

Rijikning Kristal navi bahorgi muddatda ekilganda amal davrini boshlanishida o'simlik tup soni uch yilda o'rtacha 310,7-794,8 dona/m<sup>2</sup> da bo'lib bu 77,7-79,5% ni tashkil qilgan. Kristal navi takroriy ekin sifatida ekilganda 295,4-763,7 dona/m<sup>2</sup> bo'lib 73,8-76,4% ni tashkil qilgan.

Barcha ekish muddatlarida ekish me'yori oshgan sari, maysa soni oshib borganligi ekish muddatlari bo'yicha olingan ma'lumotlar kuzda va bahorda ekilganda ko'rsatkichlar yuqori bo'lganligi va yozda ekilganda o'simliklarning unib chiqishida pasayganligi aniqlandi.

Amal davrining oxiridagi o'simlik tup soni hosilni yuqori bo'lishini taminlaydigan asosiy ko'rsatkich bo'lib, o'simlik saqlanish darajasi amalda olinishi mumkin bo'lgan yuqori hosilning asosiy elementlaridan biri bo'lib xizmat qiladi.

Olinadigan hosil ko'p hollarda amal davri oxiridagi o'simlik tup soniga bog'liq. Tajribada hosil yig'ish vaqtidagi saqlanib qolgan o'simliklarning soni 2022- yilgi tajribalarda Kristal navida 261,8-603,3 dona/m<sup>2</sup>, Karat navida 265,8-601 dona/m<sup>2</sup> va Penzyak navida 264,3-608,8 dona/m<sup>2</sup> ni tashkil qilib, bu amal davrining boshlanishidagi tup soniga nisbatan rijik navlarida tegishli 84,8-76,3%, 87,0-77,6% va 88,5-79,5% ga to'g'ri kelgan, bunda ko'rinmoqdaki ekish me'yori oshgan sari ko'chat soni ko'paygan va oziqlanish maydoni qisqargani sababli Kristal navida 2,8-8,5%, Karat navida 2,6-9,4% va Penzyak navida 1,3-9% gacha kamaygan.

2022-yilda bahorgi muddatda ekilganda tajribalarda saqlanish darajasi Kristal navida 285,5-702,5 dona/m<sup>2</sup> ga teng bo'lib, bu 90,7-87,0% ni

tashkil qilgan. Bahorgi muddatda ekilganda ham ekish me'yorlari oshirilgan sari o'simlik saqlanish darajasi 0,3-3,7% gacha kamayganligi kuzatildi.

Rijikning Kristall navi takroriy ekin sifatida ekilganda amal davrining oxirida saqlangan o'simliklar soni 192,5-450,3 dona/m<sup>2</sup> ni tashkil qilib, saqlanish darajasi 65,8 – 59,4% ni tashkil qilib, yozgi muddatda ekilganda ham ekish me'yori oshib borishi bilan saqlanish darajasi 2,6-6,4% gacha kamayganligi kuzatildi.

O'rtacha uch yillik ma'lumotlarga ko'ra amal davrini oxirida saqlangan o'simliklar tup soni kuzda ekilgan Kristall navi 256,5-572,3 dona/m<sup>2</sup> da bo'lib, saqlanish darajasi 84,4-73,5% ga teng bo'lgan; Karat navida amal davri oxiridagi o'simlik tup soni 262,1-592,8 dona/m<sup>2</sup> da bo'lib, saqlanish darajasi 86,9-77,7% ga teng bo'lgan; Penzyak navida saqlangan o'simliklar tup soni 259,4-597,3 dona/m<sup>2</sup> da bo'lib, saqlanish darajasi 87,5-78,9% ga teng bo'lgan.

Kristall navi bahorda ekilganda o'rtacha 3 yillik ma'lumotlar bo'yicha amal davri so'ngidagi o'simlik tup soni 283,1-687,4 dona/m<sup>2</sup> saqlanib, saqlanish darajasi 91,1-86,5% ni tashkil qilgan. Rijikning Kristall navi yozgi muddatda ekilgan o'simlik saqlanish darajasi bir muncha kamayib, ekish me'yoriga bog'liq

holda 190,6-463,4 dona/m<sup>2</sup> o'simlik saqlanib, bu muddatda yuqori harorat va namlikni etishmasligi, moddalar almashinuvi pasayganligi sababli 64,5-60,7 ni tashkil qilgani kuzatildi.

Tahlil qilingan ma'lumotlarga asoslangan holda aytish mumkinki, unuvchanlik ko'rsatkichi rijik navlarida yaxshi bo'lib, nazariy ko'chat soniga yaqin tup songa ega bo'lindi. Qishlab chiqish darajasi ekish me'yoriga mutanosib holda kam ekish me'yorlarida yaxshi ko'rsatkich qayd etib, ekish me'yori oshgan sari ko'rsatkichlar pasayib borgan. Amal davri oxiridagi o'simlik saqlanish darajasi ham ekish me'yoriga bog'liq holda kuzda va bahorda ekilganda yaxshi bo'lib, takroriy ekin sifatida ekilganda kamayganligi kuzatildi.

**Xulosa.** Rijik navlarining unuvchanligi 3 ta navda ham yuqori bo'lib, ekish me'yori oshgan sari urug'larni tuproqni yorib chiqishi osonlashgani hisobiga unib chiqishi yaxshi bo'lgan. Amal davri so'ngida o'simlik tup soni kuzgi muddatda Kristall navida ekish me'yoriga bog'liq holda 84,4-73,5%, Karat navida 86,9-77,7%, Penzyak navida 87,5-78,9% teng bo'lgan. Kristall navi bahorda ekilganda bu ko'rsatkich 91,1-86,5%, takroriy ekin sifatida ekilganda 64,5-60,7% saqlanishini taminladi.

#### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Berti, M.; Gesch, R.; Eynck, C.; Anderson, J.; Cermak, S. Camelina uses, genetics, genomics, production, and management. *Ind. Crops Prod.* 2016, 94, 690–710.
2. Жученко А.А. Адаптивная система селекции растений (эколого-генетические основы). Т 2. М., 2001.
3. Fan, L.; Eskin, N.A.M. Camelina oil: Chemistry, properties and utilization. *Recent Res. Dev. Lipids* 2013, 9, 125–137.
4. Gesch, R.W.; Cermak, S.C. Sowing date and tillage effects on fall-seeded camelina in the northern corn belt. *Agron. J.* 2011, 103, 980–987.
5. Obour, A.K.; Sintim, H.Y.; Obeng, E.; Zheljazkov, V.D.J. Oilseed camelina *Camelina sativa* L Crantz production systems prospects and challenges in the USA great plains. *Adv. Plants Agric. Res.* 2015, 2, 1–10.
6. Orczewska-Dudek, S.; Pietras, M. The Effect of Dietary Camelina sativa Oil or Cake in the Diets of Broiler Chickens on Growth Performance, Fatty Acid Profile, and Sensory Quality of Meat. *Animals* 2019, 9, 734.
7. Dala tajribalarini o'tkazish uslublari – Toshkent. 2007. 180 b.
8. Доспехов, Б.А. Методика полевого опыта / Б.А. Доспехов. М.: Агропромиздат, 1985. – 351 с
9. Методика государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур. Зерновые, зернобобовые, масличные и кормовые культуры. – М.: Колос, 1971. – 240 с.

# EKISH MUDDALARI HAMDA ME'YORLARINING RIJIK NAVLARI POYASINING SUTKALIK O'SISHIGA TA'SIRI

Zuxriddinov M, R.<sup>1</sup>, Xayrullayev S. S.<sup>2</sup>,

<sup>1</sup>Toshkent davlat agrar universiteti O'simlikshunoslik va moyli ekinlar kafedrası tayanch doktoranti (PhD)

<sup>2</sup>Toshkent davlat agrar universiteti O'simlikshunoslik va moyli ekinlar kafedrası doktoranti (DSc), q.x.f.f.d

**Annotatsiya.** Maqolada rijik (*Camelina sativa* L.) navlari turli muddatda va me'yorlarda ekilganda poyaning sutkalik o'sish denamikasiga ta'siri keltirilgan. Bunga ko'ra rijik o'simligi turli muddat va me'yorlarda ekilganda ekish me'yori oshib borishi bilan amal davrida sutkalik o'sish ham ortib borganligi aniqlandi.

**Kalit so'zlar:** poya balandligi, ekish muddatlari, shonalash, gullash, qo'zoqchalash.

**Kirish.** Rijik (*Camelina sativa* L.) Brassicaceae oilasiga tegishli moyli ekin bo'lib, so'nggi yillarda, erta pishadigan, qurg'oqchilik va issiqlikka chidamliligi, qurg'oqchil mintaqalarda kasalliklarga past sezgirligi va zararkunandalar tomonidan kam zarar ko'radigan ushbu qadimiy ekinni qayta tiklash tendentsiyasi kuzatilmoqda [1, 2]. Bundan tashqari, uning urug'larining yuqori mahsuldorligi – 2,5 t/ga gacha, tarkibida 40-46% gacha quriydigan moyi mavjud bo'lib, uning moyidan turliq maqsadlarda foydalanish mumkin [3, 4] Urug'lardan chorva uchun ozuqa sifatida ishlatiladigan yog'li kunjara olinadi. 100 kilogramm kunjarasida 115 ozuqa birligi mavjud [7]. Bu ekin nisbatan sovuqqa chidamli o'simlik hisoblanadi. O'sish va rivojlanishning dastlabki bosqichlarida u qisqa muddatli bahor va kuzgi sovuqlarga yaxshi

bardosh beradi [5, 6]. Rijik har xil tuproq va iqlim sharoitida o'sishi mumkin, pestitsidlardan massiv foydalanishni talab qilmaydi, sovuqqa va qurg'oqchilikka chidamli va erta pishadi (donli ekinlaridan ancha oldin). Erta pishib etilishi muhim afzalligi hisoblanadi, chunki bu hosilni yig'ish vaqtidagi bosimni kamaytirishga imkon beradi.

**Tadqiqot o'tkazish sharoiti va uslublari.** Tadqiqotlarimiz 2022-2023 yillar mobaynida Toshkent viloyatining tipik bo'z tuproqlari sharoitida olib borilgan bo'lib, rijik (*Camelina sativa* L.) navlarining amal davridagi sutkalik o'sish denamikasiga ekish muddati va me'yorlarining ta'siri o'rganildi. Tadqiqotlarimizda rijikni kuzdagi, bahorgi va yozgi muddatlarda 4,0, 6,0, 8,0, 10,0 mln.dona/ga ekish me'yorlari sinab ko'rildi. Mazkur dala tajribalari 20 ta dan variantni

o'z ichiga olib, har bir variantning egallagan maydoni 28 m<sup>2</sup>, shundan hisobga olinadigani 14 m<sup>2</sup> ni tashkil etdi. To'rt qaytariqda olib borildi. Tadqiqotlar dala va laboratoriya sharoitlarida olib borilib, bunda dala tajribalarini joylashtirish, hisoblashlar va kuzatuvlar "Dala tajribalarini o'tkazish uslublarini, o'simliklardagi tahlillar "Методика государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур" uslubiy qo'llanmalari asosida olib borilgan [9, 10, 11]. Tajribada rijik (*Camelina sativa* L.) ning "Kristall", "Karat" va "Penzyak" navlarini kuzda oktabr oyining uchunchi, bahorgi muddatda mart oyining birinchi va takroriy ekin sifatida iyun oyining uchunchi o'n kunligida gektariga 4,0, 6,0, 8,0 10,0 mln.dona unuvchan urug' hisobida, 1,5-2 sm chuqurlikda ekildi.

**Tadqiqot natijalari.** Amal davri davomida rijik navlarining o'sish dinamikasi bir xil bo'lmasligi va amal davrining birinchi yarimida o'rtacha va qo'zoqchalash davrida faol o'sishi kuzatildi. Bu ko'rsatkichlarga ekish me'yori sezilarli ta'sir ko'rsatgan.

Ekish me'yorlari ortib borishi bilan o'simlik poya balandli ortib borishi bu o'simlik tup soni ko'p bo'lganda ekinzorda yorug'lik etishmasligi tufayli o'simlik yorug'likka intiladi. Rivojlanish davrlari bo'yicha amal davrida o'sish surati bir xil bo'lmasligi aniqlandi. Bahorgi muddatda ekilgan Kristall navi 4 mln.dona/ga ekilganda gullash davrigacha bir

kunda o'rtacha 2,92 sm ga o'sgan, ekish me'yori ikki million donaga oshirilganda 3,00 sm ga ortib 0,08 sm ga yoki 2,7% ga yuqori bo'lgan. Ekish me'yori 8 million dona qilib belgilanganda sutkalik o'sish 3,21 sm yoki 9,3% ga, eng yuqori ekish me'yorida kunlik o'sish 3,10 sm bo'lib, 5,8% ga oshganligi kuzatildi.

Bahorda ekilgan Kristall navi qo'zoqchalash davriga kelib sutkalik o'sish ortib eng kam ekish me'yorida 3,05 sm ga o'sgan, ekish me'yori 6 mln. dona/ga qilib ekilganda bir kunda 3,18 sm ga o'sib 4,1% ga ortgan, ekish me'yori yana 2 millionga oshirilganda sutkalik o'sish 3,26 sm, ya'ni 6,4% ga oshgan. Eng yuqori ekish me'yorida o'simlik poyasi bir sutkada 3,30 sm ga o'sib bu 1,2% ga teng bo'lgani aniqlandi.

Tajribaning birinchi yilida rijikning Kristall navi takroriy ekin sifatida ekilganda ekish me'yori oshgan sari poya balandligi shonalash davrida oshib borganligi aniqlandi. Eng kam ekish me'yorida shonalash davridan gullash davrigacha 2,34 sm ni tashkil qilgan, ekish me'yori 6 milliongacha oshirilganda 2,36 sm, yana ikki millionga oshirilganda sutkalik o'sish 2,38 sm ni tashkil qilib 1,7% ga ortgan. Ekish me'yori o'n milliongacha oshirilganda sutkalik o'sish 2,26 sm ga teng bo'lgan. Amal davri qo'zoqchalash fazasiga yetib sutkalik o'sish ortib borib, sutkalik o'sish 2,46 sm ga teng bo'lib, ekish me'yori oshib borgan sari bir kunlik o'sish 2,53-2,61 va 2,63 sm ga oshgan.

**1-jadval**  
**Turli muddat va me'yorlarda ekilgan rijik navlarining amal davrida sutkalik o'sishi,**  
**(2022-2024 yy), sm**

№	Variantlar		Rivojlanish fazalari	
	Navlar	Ekish me'yori, mln/ga	shonalash- gullash	gullash-qo'zoqchalash
Kuzda ekilganda				
1	Kristall	4	2,40	2,90
2		6	2,52	3,00
3		8	2,60	3,21
4		10	2,46	3,11

5	Karat	4	2,79	3,10
6		6	2,87	3,17
7		8	3,00	3,26
8		10	2,95	3,15
9	Penzyak	4	2,20	3,22
10		6	2,30	3,27
11		8	2,36	3,37
12		10	2,23	3,26
Bahorda ekilganda				
13	Kristall	4	2,92	3,05
14		6	3,00	3,18
15		8	3,21	3,26
16		10	3,10	2,86
Yozda (Takroriy ekin sifatida) ekilganda				
17	Kristall	4	2,13	2,58
18		6	2,19	2,68
19		8	2,34	2,73
20		10	2,23	2,60

2023-yil rijik o'simligi yozda ekilganda ekish me'yori oshgan sari poya balandligi har bir davrda oshib borganligi aniqlandi.

Kristall navi eng kam ekish me'yorida ekilganda gullash davrigacha o'rtacha sutkalik o'sish 1,98 sm ni tashkil qilgan, ekish me'yori ikki million donaga oshirilganda 2,04 sm, ekish me'yori 8 mln.dona/ga bo'lganida sutkalik o'sish 2,36 sm ga teng bo'lib, bu 16,1% ga oshgan.

Eng yuqori ekish me'yorida sutkalik o'sish 2,28 sm ga teng bo'lgan.

Amal davri qo'zoqchalash davriga etganda eng kam ekish me'yorida sutkalik o'sish 2,77 sm ga teng bo'lib ekish me'yori oshgan sari sutkalik o'sish 2,86-2,90 va 2,83 sm ga teng bo'lib, bu eng kam ekish me'yoriga nisbatan 3,1-4,5 va 2,1% ga oshgani kuzatildi.

Tajribaning so'ngi yilida Kristall navi takroriy ekin sifatida ekilganda ekish me'yori oshgan sari

poya balandligi shonalash davridan oshib borgan aniqlandi va eng kam ekish me'yorida shonalash davrida o'rtacha sutkalik o'sish 2,08 sm ni tashkil etgan.

Ekish me'yori ikki million donaga oshirilganda sutkalik o'sish 2,18 sm ga, yana 2 million donaga oshirilganda 2,22 sm ga va eng yuqori ekish me'yorida 2,16 sm ga teng bo'lib, ekish me'yori oshgan sari sutkalik o'sish eng kam ekish me'yoriga nisbatan 4,6-5,4 va 3,7% yuqori bo'lgan.

Xulosa. Shunday qilib, amal davrida rijik navlarining o'sish surati bir xil bo'lmasligi va gullash fazasidan qo'zoqchalash fazasigacha ancha faol o'sishi aniqlandi. Ekish me'yori bu ko'rsatkichga sezilarli ta'sir ko'rsatgan. Ekinzorda o'simlik zichligi ortib borishi bilan o'simlik poya balandli ortib borishi bu o'simlik tup soni ko'p bo'lganda ekinzorda yorug'lik yetishmasligi tufayli o'simlik yorug'likka intiladi.

---

### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Бемяк В.Б. Методические рекомендации по возделыванию и семеноводству рыжика. – М.: Россельхозакадемия, 2004. – 40 с.
2. Евтишина Е.В., Виноградов Д.В., Лупова Е.И., Гогмачадзе Г.Д. Влияние сроков посева и норм высева на урожайность семян рыжика ярового в условиях Рязанской области // АгроЭкоИнфо. – 2018, №3. – [http://agroecoinfo.narod.ru/journal/STATYI/2018/3/st\\_349.doc](http://agroecoinfo.narod.ru/journal/STATYI/2018/3/st_349.doc).
3. Семенова Е.Ф., Буянкин В.И., Тарасов А.С. Масличный рыжик: биология, технология, эффективность, – Волгоград, 2007. – 82 с.
4. Vinogradov D.V., Konkina V.S., Kostin Y.V. Developing the regional system of oil crops production management // Journal of Fundamental and Applied Sciences. – 2018. – 10(7S). – P. 289-302.
5. Прахова Т.Я. Рыжик посевной (*Camelina sativa* (L.) Crantz): монография. – Пенза : ПГСХА, 2013. – 208 с.
6. Shpaar, D. and others. Rape and Bird Rape (Growing, Harvest, Use) / Endorsed by D. Shpaar. – M.ID JSC “DLV Agrodello”, 2007. – 320 p.
6. Chengci Ch., Bekkerman A., Afshar R.K., Neill K. Intensification of dryland cropping systems for bio-feedstock production: Evaluation of agronomic and economic benefits of *Camelina sativa* // Industrial Crops and Products. — 2015. — Vol. 71. — P. 114-121.
7. Прахова Т.Я. Рыжик масличный: биология, продуктивность, технология // Вестник Алтайского государственного аграрного университета. — 2013. — № 9 (107). — С. 17-19.
8. Dala tajribalarini o'tkazish uslublari – Toshkent. 2007. 180 b.
9. Доспехов, Б.А. Методика полевого опыта / Б.А. Доспехов. М.: Агропромиздат, 1985. – 351 с
10. Методика государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур. Зерновые, зернобобовые, масличные и кормовые культуры. – М.: Колос, 1971. – 240 с

# ДОНИШМАНД КИТОБСЕВАР ТАДБИРКОР

*Дўст билан обод уйинг,  
Гар бўлса у вайрона ҳам,  
Дўст қадам қўймас эса,  
Вайронадир кошопа ҳам.*

Эркин Воҳидов,  
Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Халқ шоири

Пойтахтимиз Тошкентдаги “Истаравшан” ХК раҳбари дўстимиз Муроджон Маҳсудович Маҳсудов табаррук 80 ёшга кирди...

Ўзбекистон Халқ шоири раҳматли Нормурод Нарзуллаев у кишига атаб қасида, машхур халқаро шарҳловчи ва журналист Талъат Солиев у киши ҳақида “Инсонийлик саройлари кенгдир” номли китоб ёзган.



**Суратда: Муроджон Маҳсудов дўсти Собир Шералиевич Қурбоновнинг 90 йиллиги билан муборакбодэтиш маросимида**

Мақоламиз қаҳрамони ўзи ҳам бир неча китобга муаллиф ва ҳаммуаллиф... Бу киши ҳақида тасаввур яратиш учун шу гапларни ўзи ҳам етарли, деб ўйлайман...

Шу билан бирга, Муроджон ака тадбиркор бўлгани учун, айти пайтда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Шухрат Жабборовнинг “Ўзбекистонда ким яхши яшайди” номли китоби эсга тушади.

Шухрат Жабборов китобида қайта-қайта доим меҳнат қилган, доим ҳаракатда бўлган, тадбиркор бўлган киши яхши яшашлигини уқтиради.

Яна эслаيمان... 1996 йилда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашига машхур драматург, академик Иззат Отахонович Султоновнинг партия фаоллари билан учрашувини ташкил этган эдик. Шунда Иззат Султон атоқли давлат ва жамоат арбоби, таниқли ёзувчи ва шоир, оташин публицист ва нотик, чорак аср Ўзбекистонга раҳбарлик қилган Шароф Рашидович Рашидовни эслаб шундай дедилар: “Шароф Рашидович қачон Москвага сафарга кетсалар, биз – ёзувчилар ўртасида “Шароф ака Москвага кулчага кетдилар” деган бир ҳазил гап юрарди. Лекин Шароф Рашидович катта тадбиркорлик қилиб, доим кулча эмас, патир билан қайтардилар.

Бу патир телеминора, метро, Халқлар дўстлиги саройи ва бошқа кўплаб иншоотларни

қуришга рухсат кўринишида бўларди.

Зеро, у пайтлар ҳамма масалалар Москвада ҳал этилар эди. Мана энди мустақил бўлдик. Ҳамма масала ўзимизда ҳал бўлмоқда”, – дедилар.

Шуни қайд этиш керакки, академик Иззат Султон мулкдорлик, тадбиркорлик, бозор иқтисодиётига тегишли масалаларга ниҳоятда катта эътибор берганлар.

Филология фанлари доктори, профессор Нўъмонжон Раҳимжонов, қайд этишича, у киши қуйидагича фикр юритганлар: “Маълум бўляптики, мулкдор-тадбиркор одамлар мушкулини осон этишга чоғланган инсон... Ҳаётнинг, тирикликнинг ёзилмаган қонуниятини қарангки, ҳамма пул истайди. Унга етишиш йўллари бисёр бўлгани билан ҳамиша уни қўлга киритавермайди. Ақлли, доно одам пулнинг эгасидир.

Пул – бахтиёрлик демакдир. Камбағал бахтиёр бўлолмайди...

Одамларда, жамиятда пулга хурматни уйғотиш керак. Яъни, пулга чўқинмаган ҳолда пулга хурмат руҳини шакллантириш лозим. Пулга хурмат – меҳнатга хурмат демакдир. Кимки тадбиркор бўлса, ўша кўнгилдагидек яшайпти. Ким пул топиш йўлини эпласа, тадбиркор бўлса, ўша ўзини ўнглаб оляпти...

Бу гапларни ҳаммаси гўё Муроджон ака Маҳсудовга қаратилгандай. Зеро, у киши тадбиркорлик барча сиру-асрорларини эгаллаб, моҳирлик билан ўз меҳнат жамоаси, сафдошларига кўп йиллар давомида раҳбарлик қилиб келмоқда...

Давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси собиқ раиси, Муроджон аканинг яқин дўсти Собир Шералиевич Қурбонов шундай дейди: “Дунёқараши кенг, хушмуомала ва камтар Муроджон пазандалик, шарқона анъаналар, тарих, адабиёт, сиёсат, дин масалаларига оид ранг-баранг адабиётларни ўқийди, улар тўғрисида теран фикр юритади.

Бир гал иш столи устида мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” китобига кўзим тушди... Кўпчилик қатори мен ҳам ундан парчалар ўқиганман-у, аммо унинг матнини тўла мутолаа қилмагандим. Эгасини рухсати билан уни ўқиб чиқдим. Ажойиб китоб.

Муроджоннинг бу мумтоз асар билан қизиқишининг ўзи кўп нарсадан далолат беради. Ўз вақтида, дўстимиз Т.Солиев томонидан ёзилган китобларга беғараз ҳомийлик қилди, ўзи ҳам пазандалик бўйича китоблар ёзди.



**Суратда: Муроджон Маҳсудов Ўзбекистон халқ артисти Хожиакбар Ҳамидов ва мақола муаллифи билан**

У меҳнатсеварлиги, инсонпарварлиги, дўстларга садоқати билан барчага ибратдир. Бундай дўстнинг бўлиши инсон учун катта бахт.



Ёшлар мендан дўстликнинг бирон меъёри борми, деб сўрасалар, мен юнон файласуфи Арасту берган қуйидаги таъриф билан жавоб берардим: “Дўст бу икки танда яшовчи битта жон”.

Ҳа, бир-бирларига фикран, руҳан, маънан яқин кишиларгина ҳақиқий дўстдирлар. Машҳур “Қобуснома”да айтилганидек: “Билгилки, дўстлик туфайли одамлар бахтиёрдирлар”.

Шулар ҳақида ўйлар эканман, шоир Абдунаби Ҳамронинг қуйидаги шеъри эсга тушади:

Аллоҳ бир дўст берса, ўзингдай бўлса  
Яқин бўлса, қошу кўзингдай бўлса,  
Нигоҳингдан сезса дилингда борин  
Айтар сўзи худди сўзингдай бўлса.

Топганини кўрса баҳам сен билан  
Дўстим дея, бўлса ҳар дам сен билан,  
Яхши-ёмон кунда ҳамдам сен билан  
Дастурхони – нону тузингдай бўлса.

Берганингда олса, қайтармай қўлинг  
Сўраганда берса, синдирмай кўнглинг,  
Унга ўғил бўлса мисоли ўғлинг  
Қизалоғи худди қизингдай бўлса.

Унинг жони бўлса сенинг жонингда  
Ризқи бўлса ҳар бир тишлам нонингда,

Уялсанг, қизарса у ҳам ёнингда  
Андишали юзи - юзингдай бўлса.

Шундай бир дўст берса Яратган эгам  
Дунёдан кетарсан беармон, бекам,  
Ҳатто СЎНГГИ ЙЎЛга кетганингда ҳам  
Дўстинг ортингдаги изингдай бўлса...



**Суратда: Муроджон Маҳсудов дўстлари Собир Қурбонов ва ака-ука Маҳмудхон ва Фозилхон Тоировлар билан**

Муроджон ака Маҳсудовни ҳаётидаги унутилмас кун – шонли 80 ёш билан чин қалбимиздан табриклар, у кишига мустаҳкам соғлик, оилавий бахт ва масъулиятли, олижаноб фаолиятларида улкан муваффақиятлар тилаймиз!

**Носир Тоиров,**

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳузуридаги  
Фахрийлар кенгаши раисининг ўринбосари,  
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

# ЖУРНАЛИСТ С БОЛЬШОЙ БУКВЫ

Сейчас журналисты говорят правду. Они показывают все недостатки. Сейчас нет такого – это можно, а это нельзя. Конечно же знания у журналистов должны быть на высоком уровне. В свою очередь знания народа тоже. Роль журналистики очень большая при изменении мировоззрения и доведения правдивой информации до граждан.

*Ш. М. Мирзиёев,  
Президент Республики Узбекистан*



На снимке: супруги Абдухаким и Светлана Даминовы

Известному журналисту Абдухакиму Рузиматовичу Даминову скоро бы исполнилось 80 лет... Он родился в семье журналиста Рузимата Даминова, который в своё время был редактором газеты «Коммунизм тонги» (ныне «Кибрай садоси») Орджоникидзевского района (ныне Кибрайский район) Ташкентской области...

Вскоре, после окончания средней школы, Абдухаким был призван в армию. Отслужив, был демобилизован в 1969 году. Любивший спорт и хорошо разбиравшийся в вопросах физкультуры и спорта Абдухаким в том же году поступил на работу в Госкомитет Узбекской ССР по радиовещанию и телевидению на должность методиста по спорту. Работая с журналистами Абдухаким увлёкся этой профессией и в 1971 году поступил на заочное отделение факультета журналистики Ташкентского Государственного Университета (ныне Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека).

В 1972 году, совмещая работу с учёбой, он был переведён корреспондентом в главную редакцию вещания на Ташкентскую область и город Ташкент. Наставник Хакима, бывший

зав.информационным отделом Владимир Волосевич — очень опытный журналист, сыграл большую роль в становлении его как журналиста. Он отмечал упорство и работоспособность Хакима, его красивый низкий тембр голоса, что немаловажно для радиожурналиста. Их рабочие отношения переросли в дружеские, играли в шахматы, ездили на рыбалку...

В 1984 году А. Даминов был назначен заведующим корреспондентской сетью, а в 1991 году — главным редактором главной редакции вещания на Ташкент и Ташкентскую область.

В 2001 году А.Даминов стал директором радиоканала «Дустлик», вещающим на узбекском, русском, киргизском, уйгурском, казахском, крымско-татарском языках. Он руководил этим радиоканалом до выхода на пенсию в 2007 году. В 2017 году он скончался...

А.Даминов был удостоен нагрудного знака «Ветеран труда». Награждался почётными грамотами Узтелерадиокомпании...



**На снимке: коллектив гл.редакции передач на Ташобласть и Ташкент.**

В начале 60-годов прошлого века, я работал в издательстве Академии наук Узбекистана, здание которого находилось напротив ресторана «Бахор». Недалеко от нас находилась редакция областного радио. Я часто бывал у сотрудника редакции Олега Василевского, который передавал мои информации из Орджоникидзевского района, где я жил, в эфир. Спустя годы, я


бывал у моего друга Юрия Владимирович Подпоренко, который был помощником председателя Гостелерадио У. Ибрагимова. Здесь в своё время работали мои наставники и друзья международные обозреватели Сабир Шералиевич Курбанов, Талъат Салиев и другие. Так что, вся моя сознательная жизнь связана с радио и телевидением (в начале 60-годов, я иногда переводил тексты документальных фильмов для киноредакции, главным редактором которой был покойный М.Салихов). Со временем, когда я работал в партийных органах, подружился с журналистом Абдухакимом Даминовым...

Он нередко приглашал меня для принятия участия в передачах. Прямой эфир был очень притягательным. Было живое общение с радиослушателями. Абдухаким с юмором, шутками придавал особую привлекательность передачам.

Абдухаким всегда с большим уважением относился к однокурсникам своей супруги, к нам, среди которых были Тельман Баратов, Татьяна Царевская, Владимир Клиценко, Александр Быкадоров, Сергей Ан и другие. Сидели у него дома, пели, танцевали, вспоминали студенческие годы... Мы гордились, что его супруга, наша однокурсница Светлана Васильевна стала Заслуженной журналисткой Республики Узбекистана. Она ряд лет вела по телевидению очень интересные передачи ...

Заслуженный журналист Республики Узбекистан, супруга Абдухакима Рузиматовича Светлана Васильевна Даминова вспоминает:

— Январь 1970 года. На общем комсомольском собрании Гостелерадио выступила редактор Светлана Вислогузова с критикой отсутствия спортивной жизни молодёжи Госкомитета по радиовещанию и телевидения. И вдруг раздался громкий голос: — «Я поддерживаю Светлану». Это был голос юноши в форменной военной рубашке, как оказалось, нового методиста по спорту Абду-



хакима Рузиматовича Даминова, только что зачисленного на работу в Госкомитет. С этого дня зажглась здесь спортивная жизнь творческого коллектива. Среди работников средств массовой информации Ташкента и области чемпионами по шахматам-шашкам, теннису, стрельбе стали радио и тележурналисты. Сам Абдухаким прославился, как лучший шахматист Телерадиокомпании. А в лице той Светланы, что ратовала за спорт, он нашёл единомышленницу.



**На снимке: Абдухаким и Светлана Даминовы. Так за руку они шагали и на пенсии. Они прожили вместе 45 лет.**

Хаким (так коротко называли Абдухакима), наблюдал за работой С.Вислогузовой в обменной редакции, где она готовила передачи для Москвы, братских республик и зарубежных радиостанций. И в 1971 году Хаким сделал свой главный ход — поступил в Ташкентский Государственный Университет на заочное отделение журфака. Через полгода стал корреспондентом и женился

на Светлане. Так, совмещая работу с учёбой, он постигал мудрость профессии, её силу и ответственность перед обществом и государством.

В начале восьмидесятых, его жену Светлану Даминову перевели на телевидение заведующей гл.редакции передач для Москвы, а Хаким стал главным редактором радиовещания на город Ташкент и Ташкентскую область. В этом новом статусе, он проявил свои организаторские способности, собрав новый коллектив и правильно определив нужные задачи редакции.

«Ташкент и ташкентцы», «Утренний курьер», «Прямой эфир» и другие сразу же обрели постоянных радиослушателей.

Газеты: «Новости Узбекистана», «Народное слово», «Ташкентская правда», «Вечерний Ташкент» на русском и узбекском языках печатали добрые отзывы о работе редакции.

«Мы никогда не сможем изменить направления ветра, но в наших силах поставить нужные паруса» — С этой цитатой китайского мыслителя Лао-Цзы Абдухаким Рузиматович обратился к своему коллективу, когда его назначили директором преобразованной редакции в радиоканал «Дустлик».

Здесь и появилась коронная передача канала — «Бизнес-клуб», организатором и ведущим которой стал сам Хаким. Это была полуторачасовая передача в прямом эфире о тех процессах, которые происходят в обществе, о тех проблемах, которые волнуют каждого. Членами Клуба были: кандидат экономических наук В.А.Ивонин, академик С.Салимов, доктор экономических наук Х.Мамедов, доктор

экономики Ирина Хетч (Германия), академик и генеральный конструктор ТашКБ «Коинот» Ш.Вахидов, кандидат философских наук М.Ганиев, доцент Н.Садыков. Бизнес-Клуб слушали не только представители разных профессий и организаций, но и руководители гос.организаций, кому приходилось отвечать на критику. Люди с благодарностью писали в редакцию, подобно письму члена творческого объединения Академии Художеств Евгения Радецкого: — «Я не ошибусь, если скажу, что моя самая любимая передача и пользуется она популярностью среди всех слоев населения это «Бизнес Клуб», ведомая А.Р.Даминовым. А.Даминов, как талантливый дирижёр ведёт диалог участников и радиослушателей удивляет огромной эрудицией, экспромтом доводит любую тему до логического конца.»

Вспоминает режиссёр Гузаль Тухтарова:

— В 1991 году, я после окончания института поступила работать режиссером в Радиокомитет. Это начало моей рабочей биографии. На дворе был ветер перемен и многое было непонятно. Я не знала, что меня ожидает, как будет проходить трудовой процесс. Но мне посчастливилось — я попала в редакцию студии Ташкент (впоследствии радиоканал «Дустлик») к самому лучшему руководителю Абдухакиму Рузиматовичу Даминову. «Шеф», так мы — редакторы, корреспонденты, режиссеры, звукооператоры любя его называли. Это был красивый, умный, добрый, смелый, щедрый, с хорошим чувством юмора человек! Прекрасный журналист, вернее, высокопрофессиональный журналист! Мы, особенно молодые, чувствовали себя нужными, защищенными от бед, способными к профессиональному подвигу.

Это наша редакция была первой, которая вышла в прямой эфир к радиослушателям. Это наша редакция первая приглашала знаковых

людей города к прямому эфиру, говорили о проблемах столицы и области. Конечно, это была большая заслуга А.Р.Даминова. Он смог собрать людей и повести за собой! Ему все доверяли, а наш Шеф доверял нам! И как важно, чтобы доверяли! Я использовала новаторство в режиссуре: подбирала совсем новое музыкальное оформление программ и передач очень отличающиеся от прежнего формата, вносили в музыкальный ряд новые песни (тогда особо не баловали радиослушателей новыми композициями). Всё это надо было делать, так как настало новое время, время независимости нашей страны надо было двигаться вперед, не страшась перемен. И это случилось — все, что мы делали, писали, творили, разрабатывали было под руководством нашего Абдухакима Рузиматовича, человека смелого, открытого, без тени фальши и лицемерия. Он глубоко нам доверял, верил в справедливость, считал, что хороших людей гораздо больше, чем плохих

Для многих людей 90-е годы считались трудными, а мы (наша редакция) и не замечали этого. Мы работали, как одна большая семья. Вместе делили радость и печаль, помогали друг другу, справляли вместе праздники, и всегда находились в тёплой и приятной атмосфере, которую создал сам Руководитель — наш Шеф! И время, когда я работала при руководителе Абдухакиме Рузиматовиче Даминове, было самое лучшее время...

Абдухаким Даминов прожил яркую и содержательную жизнь. Он очень любил молодёжь и щедро делился с молодыми журналистами опытом работы, тайнами журналистского мастерства... Радует то, что его дети, внуки ученики-соратники по работе, сегодня принимают активное участие в строительстве Нового Узбекистана и создании основ III Ренессанса.

**Носир Таиров,**  
член Союза журналистов Узбекистана.

# ҚАЙТАР ДУНЁ ЯХШИ ҚАЙТСИН ДЕСАНГИЗ

Оилани муқаддас деб билмаганлар учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқ. Ўз кўнглидаги меҳрни ўлдириш одам ўлдиришдан оғирроқ жиноятдир, Негаки ҳар қандай разиллик бемеҳрликдан бошланади.

Одам ҳамма нарсага тўйиши мумкин, Фақат бир нарсага — Меҳрга тўймайди. Бу масалада شوху-гадо баробар. Ҳолбуки, дунёда бундан ҳам арзон нарса йўқ, бир оғиз ширин сўз, бир чимдим меҳр кимни ўлдирибди! Биз эса уни ҳам бир-биримиздан аяймиз. Меҳр кўрсатишни, меҳрибонликни фарзандларимизга ёшлигидан сингдириб борсак қариган чоғимизда ана шу меҳрни улар ўзимизга қайтаришади.

Айрим чет давлатларда бўлганимизда уларнинг гўзаллиги, табиатининг мафтункорлиги, ҳавонинг тозаллиги, умуман барча нарсалар бизда катта таасурот қолдирганди. Бироқ битта жиҳати дилни жуда хира қилади, у ҳам бўлса улар ота-онага ҳурмат, меҳрибонликни етарли даражада кўрсатишмас экан.

Ота-оналар кексайиб ёрдамга муҳтож бўлишганида ўз болалари эмас бегоналар парвариш қиларкан. Ишчи ёллаб ота-онани боқтиришар экан. Кейин суриштириб билсак ота-оналар ҳам фарзандларини ёшлигиданоқ ўзлари боқмай энагага боқтиришаркан. Мана қайтар дунё.

Бизда қандай? Бугун меҳрнинг йўқолиб бораётганихақида тез-тез ижтимоий тармоқларда ўқиб, кўриб дилимиз хира тортмаяптими, биз шунақа миллатмидик. Ахир бизнинг тарбиямизни нечоғлик бошқа давлатлар, миллатларга ўрناк

кўрсатилар эдику. Биз қаерда хато қилдикки бугун ўзбек аёли фарзандини сотса, уриб тепкиласа, юқори қаватдан ташлаб юборса. Агарки қайтар дунё яхши қайтсин десангиз, бугун фарзандларингизга яхши тарбия беринг, меҳр кўрсатинг, меҳрибончилик қилинг.



Хўш, ҳаммасига бахона қўлимиздаги телефонми? Тарбиямизни бузган, ёмон йўлга бошлаган, ахлоқсиз қилиб қўяётган шу телефонми? Агар телефон бўлмаганида биз аввалги яшаш тарзимизда давом этармидик? Дунё тезкорлик билан ривожланаётган бир пайтда, техника асрида одамларимиз орқада



қолиб, телефон нималигини билмай турса яхши бўлармиди? Биргина телефондан фойдаланишни эплай олмасдан, айбни ўзимиздан қидириш ўрнига оддийгина бир буюмга тўнкаб турсак қанчалик тўғри бўлади? Бу матоҳ ўлгурга нимани буюрсангиз шуни бажарадику!

Чиноз туманидаги 21-ўрта таълим мактабининг юқори синфларида бўлиб ўтган тарбиявий соатда ана шу мавзулар тилга олинди. “Нуроний” жамғармаси “Бувижонлар мактаби” жамоатчилик кенгаши аъзолари мактабининг юқори синф ўқувчилари билан тарбиявий соат ўтказишди. Унда бой ҳаётини тажрибага эга бўлган нуронийлар ўқувчи ёшларга одоб-ахлоқ, кийиниш маданияти, китоб ўқиш, телефондан фойдаланиш маданияти, миллий қадриятлар, Ватанни севиш ва ҳалоллик каби фазилатлар ҳамда оила муқаддаслиги тўғрисида кенг тушунчалар бериб, инсонийлик фазилатларга ундовчи ибратли ҳаётини ҳикоялардан сўзлаб бердилар.

Шунингдек, ёшларни турли ёд ғоялар таъсирига тушиб қолишдан огоҳ бўлишга чақирдилар. Фарзандларимизни кўпроқ билим олишга ундадилар.

Ўз ўрнида “Ёввош” маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият олиб бораётган ёшлар етакчиси Р. Солиев, мактабининг маънавият ва маърифат масалалари бўйича директор ўринбосари М. Эргашева, психолог Р. Менгликуловлар ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишди.

Айниқса ўқувчилар томонидан билдирилган миннатдорчиликлар бизни руҳлантириб юборди. Улар ўқиган китоблари, ёд олган шеърлари билан бизни хурсанд қилишди.

Тадбир кўрсатишича, кекса нуронийлар болажонлар билан тез-тез дилдан суҳбатлашиб турсалар бу кони фойда бўлар экан. Кейинги суҳбатимиз қизлар тарбиясига бағишланганидан бўлди.

Бизни очиқ чеҳра билан кутиб олган, ёш, ғайратли мактаб директори Эрган Тўхтаровга шундай жамоага бош бўлиб, фарзандлар тарбиясидек савоб ишни амалга ошираётганига самимий миннатдорчилик билдириб, кўтаринки кайфиятда қайтдик.

**Танзила Аллаберганова,**

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси,  
«Мўтабар аёл» кўкрак нишони соҳибаси,

**Сурайё Ахмедова,**

халқ депутатлари Чиноз туман Кенгаши депутати, журналист.

# ҚЎЛИМНИ УЗАТСАМ - ЕТАДИГАНИМ СИЗ



Гулом Мирзо, шоир,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

\*\*\*

Озгина сабр, чидам –  
барӣ ўтиб кетади.  
Кексаяр ғўр ёшлар ҳам,  
қари ўтиб кетади.

Эгам жо-бажо этар,  
таҳликаларинг битар,  
меҳварингдан комета  
нари ўтиб кетади.

Қилмагин мени мазах,  
қолмаймиз бунда узоқ;  
ким жаннат, кимдир дўзах  
сари ўтиб кетади.

Тўпор-тўпор ва тўп-тўп  
бўлиб ғажишмагин хўп.  
Бу ўйин, улоқ ва кўп-  
қари ўтиб кетади.

Соқий, қадаҳ сун, лим-лим;  
йўлдаман, тугун – кўнглим.  
Тоқат қилсам, кетсам жим –  
барӣ ўтиб кетади...

Барӣ ўтиб кетади...

## Панд

Кипригингнинг сўлим-сўлим майсаси  
кўзинг шабнамидан паришон бўлмиш.  
Шу шабнамнинг шодасидан қайсиси  
ювибди-ю, юзинг гулистон бўлмиш.

Абри найсондайин тўкилмоқ нечун,  
“Минг бир кеча” мисол ўқилмоқ нечун.  
Ишқ пойида мендек йиқилмоқ нечун,  
сарв қаддинг дол, дардинг бир дoston бўлмиш.

Этагингга ип илашиб келодур,  
қирқ кокилинг сеп талашиб келодур,  
тоғдек кўксинг ўрқачлашиб келодур –  
сенга кўнгил берган кўп сарсон бўлмиш.

Жаннатдан кеп қолган анжирдек ёт, сен;  
руҳингдан жодуни занжирдек от, сен.  
Ранжитгувчи ҳамда ранжирлик зот, сен –  
хомуш тортсанг, олам зимистон бўлмиш.

Гоҳ ойга қўл чўздинг, юлдузни ушлаб;  
меваларни уздинг, илдизни тишлаб.  
Нафсинг учун кездинг ўзингни хушлаб,  
Энди қалб – қалб эмас, жомадон бўлмиш.



Кел, қўй; қўзғалмасин балолар яна,  
мис бўлиб чиқмасин тиллолар яна.  
Таковарларида хинолар яна,  
дўст йўқламас диллар – гўристон бўлмиш.

Кипригининг сўлим-сўлим майсаси  
кўзинг шабнамидан паришон бўлмиш...

\*\*\*

Муҳаббат ёшидан ўтдим чамамда,  
кўнгил – тунги шаҳар сингари мудроқ.  
Эриш туюлади баъзан чаманда  
гулга термулмоғу, ёрга шеър битмоқ.

Муҳаббат ёшидан ўтдим чамамда,  
хуш йўқ бош ургали остоналарга.  
Совуқ ва бешикаст – ёнмаган шамдай,  
парвосиз боқаман парвоналарга.

Муҳаббат ёшидан ўтдим чамамда,  
кирдимми тақвонинг кўчаларига.  
Жизғанак бўлавер ўзинг, самандар,  
яна мен ёнишим шарт экан, нега?..

Нега юрагимга қоши камондан  
тегкан тийрларни тергайман бот-бот.  
Муҳаббат ёшидан ўтдим, чамамда.  
Чамамда, бошимдан ўтди муҳаббат...

\*\*\*

Омадсиз камоним,  
мен бебахт ўқингман.  
Сен бори жаҳоним,  
мен буткул йўқингман.

Сен – сермавж бир баҳру,  
мен – ташна, бебахра.  
Сен – гуллаган шаҳру,  
мен – чўллаган саҳро.

Сен – унумдор тупроқ,  
мен – суқилмаган чўп.

Дарвозасан – муштоқ,  
мен – урилмаган тўп.

Сен кўқда офтобим,  
кунгабоқаринг мен.  
Сен севги китобим,  
китобёқаринг мен.

Луғатларимизда  
“висол” сўзи бадар.  
Ҳаётларимизда  
айролиқлар яшар.

Омадсиз камоним,  
мен бебахт ўқингман.  
Сен бори жаҳоним,  
мен буткул йўқингман...

\*\*\*

Менга Сенинг нозларинг ёқар,  
кўйдирмажон ёзларинг ёқар.

Кетаётган қушлардек ғамгин –  
куздаги ҳар розларинг ёқар.

Қишларинг ҳам қадрдонимдир –  
чим-чима аёзларинг ёқар.

Гапирмайман баҳоринг ҳақда –  
гул каби қийғосларинг ёқар.

Менга ёқар Сен бор бу дунё,  
қад, ифор, овозларинг ёқар.

Ноз қилгину норози қилма –  
менга Сенинг нозларинг ёқар...

## XXI аср чорлови

Қай овчи қўйворди самога лочинни:  
қуш қушни ов қилар, одамзод – одамни.  
Бегона ёстиқлар тўқдимни сочингни;



зиёнлар кўрмайсан, ўнг боссанг қадамни.  
Сен қанча оч бўлсанг, нафс сени ер шунча.  
Ер ҳали емасдан, бўл ернинг тупроғи.  
Ютаман деб яшаш – янглиш бир тушунча;  
ютганинг кўпайса, ортади гуноҳинг.

Тупроқдан яралдинг ва чангдек таралдинг,  
қопладинг заминни – бопладинг заминни.  
Ужмоҳдан келганим, қайгача боролдинг?  
Дўзахнинг ўтида тобладинг заминни.

Ичишга сув қаҳат, емоққа тугар нон  
ва нафас олмоққа етмайди ҳаво ҳам.  
Одам Атомизга панд бердинг бу замон;  
сендан розимикан Момомиз Ҳавво ҳам.

Янги давр одами, қўлингга ол омоч;  
бир-биринг қирғувчи қуролдан бадар қоч.  
Беҳиштнинг боғидан уруғлар ерга соч,  
токи қолмай десанг хор, оч ва яланғоч.

Янги давр одами – беғамнинг беғами,  
гадодан ҳам бадтар ҳақиру бечора.  
Жаннатдан қувғинди бўлганин эсларми?..  
Заминдан ҳайдалса, билмам, қайга борар...

Беҳиштнинг боғидан уруғлар ерга соч,  
янги давр одами – замондош, заминдош!

\*\*\*

Эй, кундузи коинотдек олис бешумор,  
тунлар эса тушларимда чарх урган ҳумой!  
Сомон йўли – шиппагингдан тўкилган ғубор,  
Сен уйимга қачон келиб кетган эдинг, Ой.

Уйда – кактус соқолини олмабди ҳануз.  
Балиқлар жим – келганингни билмас, ҳойнаҳой.  
Фақатгина дераза лол, ланг очиб оғиз.  
Сен уйимга қачон келиб кетган эдинг, Ой.

Келганингда, балки уйда бўлмаган ҳеч ким.  
Кўнғироқ зор чорлагану қулф турган жим.  
Қулф билан тил топишмай калитлар синсин..  
Сен уйимга қачон келиб кетган эдинг, Ой.

Кўча эшик ҳар ўтганга сўйлайди Сени.  
Уйим бўзлар бамисоли бир арғанундай.  
Зинапоя гармонь бўлиб куйлайди Сени. –  
Сен уйимга қачон келиб кетган эдинг, Ой?

Сен уйимга қачон келиб кетган эдинг..



## СИЗ

Қўлимни узатсам - етадиганим Сиз,  
Гулимни узатсам - тутадиганим Сиз.

Соғинчнинг сап-сарик чечаклари-ла  
Дилимни безатсам - кутадиганим Сиз.

Сизсиз куним ўтмас... Сизсиз ўтган ой –  
Йилимни қузатсам - ўтадиганим Сиз.

Сизсиз ғамим битмас, на битар толе,  
Чин сўзимни битсам - битадиганим Сиз.

Ох, бунча саркашман, дунёи дунда  
Феълимни тузатсам - ютадиганим Сиз.

Не алам, бахт қуши ортидан гирён  
Қоладиган мен эсам - кетадиганим Сиз.

Қўлимни узатсам - етадиганим Сиз...

## Мадинам, Мади...

Ташвишларни миниб, чопиб бўлмади.  
Соғинчларни миниб, чопиб бўлмади.  
Қарши Маккадан-да олис бир шаҳар,  
Уни на сўроқлаб, топиб бўлмади...  
Қуралай кўзингдан ўпиб бўлмади,  
Қуралайкўз қизим - Мадинам, Мади.

Сенингсиз шаҳри Шош бешикдай кичик.  
Хона, ёлғиз хона - ҳайҳотдай хона.  
Умримда ўлчовлар йўқотди кучин,  
Руҳимда оғриқлар қилди тантана,  
Бир қадим оғриқлар, Қаршидек қадим,  
Қуралайкўз қизим - Мадинам, Мади.

Ҳатто жавондаги жонсиз қўғирчоқ,  
Бу кун суратингга термулиб толди.  
Кўзим қароғида икки бўш башмоқ,  
Тилга кириб сени сўроқдаб қолди.  
Йироқда, фиरोқда яшаб бўлмади,  
Қуралайкўз қизим - Мадинам, Мади.

# УМИДА ТЕШАБОЕВА:

**БОЛАЛИГИМДАН КИТОБ МУТОЛААСИНИ ЖУДАЯМ ЯХШИ КЎРАДИМ**

(“Алишер Навоий” номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори билан суҳбат)

Дунёдаги ҳар қайси давлат, ҳар қайси халқ биринчи навбатда ўзининг интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти билан қудратлидир. Бундай енгилмас куч манбаи эса аввало инсоният тафаккурининг буюк кашфиёти китоб ва кутубхоналарда.

*Шавкат Мирзиёев,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*



**Умида Тешабоева – Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона директори**

— **Ассалому алайкум Умида Олимжоновна, суҳбатимизнинг аввалида ўзингиз ҳақингизда сўзлаб берсангиз?**

— Мен 1975 йил 22 мартда Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида туғилганман. Оилада иккинчи фарзандман, акам ва синглим бор. Зиёли оила фарзандиман. Дадам (раҳматли) Олимжон Алимов, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент. Тошкент Давлат аграр университетида талабаларга дарс берганлар. Онам эса ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси. Республика кўзи ожизлар мактаб интернатида ишлаганлар. Ҳозирда нафақада. Шу сабабдан бўлса керак, мен ҳам дарс ўтишни хуш кўраман. Олийгоҳларда кутубхоначилик йўналишида таълим олаётган талабаларга дарс ҳам ўтаман. Акам банкир, синглим уй бекаси. Турмуш ўртоғим инженер-қурувчи. 3 нафар фарзандим бор, бари ўғиллар. Катта ўғлим Тохиржон оилали, қизим Диёрахон

(келинларимни қизимдек кўраман) ва набирам Гулгуна оиламизни қувончлари. Диёрахон қизим япон тили мутахассиси. Нодирбек ўғлим лойиҳалаш институтида мутахассис, 2024 йил уйлантирдим, қизим Фарангизхон талаба. Кичкина ўғлим Камронбек ҳам олийгоҳда таълим олмоқда.



### Умида Тешабоева муаллиф билан

Юнусобод туманидаги (аввал Киров райони деб номланарди) 97-мактабни 1992 йил тамомлаб, Тошкент Давлат маданият институтига ўқишга кирганман. 1996 йил кутубхоначилик факультетини имтиёзли диплом билан якунлаганман.

Институтни 3-курсида ўқиётганимда, мени ишга таклиф қилишган ва 1995 йилдан меҳнат фаолиятимни кутубхоначи лавозимида бошлаганман. Тошкент вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институти деб номланарди аввал бу ташкилот. Шу жамоанинг раҳбари Маликова Дилбар Джалиловна суҳбатидан ўтиб, ярим ставкада ишни бошлаганман.

— Илк марта кутубхонада иш бошлаганингизда ким Сизга устозлик қилган?

— Кутубхонадаги биринчи устозим деб Любовь Петровна Дашкевични айта оламан. Талабаман, назарий билим соҳа бўйича озми-кўпми бор, уни амалиётда қўллашда айнан, Любовь Петровнанинг хиссалари катта бўлган.

— Китобларга бўлган кучли меҳр қачон уйғонган?

— Болалигимдан китоб мутолаасини жудаям яхши кўрардим. Бола бошидан дейишгани шу бўлса керак. Уйимизда иккита китоб жавони бўларди, бири дадамники, иккинчиси онамники. Бири биология фанига оид китоб ва журналлар билан тўлиб-тошса, иккинчиси, менинг севимли жавоним бадий адабиёт намуналарини ташкил қиларди. Булар ўзбек ва рус тилларида, асосан, ўзбек тилидаги ўзбек ва жаҳон мумтоз адабиёти, ва менинг “фаворит китобларим” замонавий ўзбек адабиёти намуналаридан иборат эди.



### Давлатимиз раҳбари Ш. М. Мирзиёев билан

— Кутубхоначилик касбини танлашингизга сабабчи ким бўлган?

— Китоб мутолаасига ошно қилган инсонлар ДАДАМ ва ОНАМ.

Бадиий адабиётга қизиқишимни эса онам шакллантирганлар. Кўзи ожизлар мактаб интернатида ишлаганлар деб айтдимку, улар имконияти чекланган ўқувчилари учун уйдаги китобларидан олиб кетиб дарс берардилар, дарсдан кейин, асосан тунги пайтда (тунда ишлагани ҳам қолардилар) овозларини чиқариб янги нашрларни мутолаа қилардилар. Янги-янги асарларни мутолаа қилишимиз учун воқеаларни қизиқарли қилиб сўзлашни бошлаб, қолганини ўқиб оласизлар деб тугаллардилар доим. Бу орқали биз фарзандларда китоб ўқишга бўлган қизиқиш ортарди. Мактабнинг юқори синфида ўқиб юрган кезларим Асқад Мухтор, Иброхим Рахим, Хамид Ғулом, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Саъдулла Караматов, Пиримқул Қодиров ва бошқа кўплаб адиблар ижоди билан танишганман.



**Таниқли шоира Шарифа Салимова билан**

Хонадонимизда Алишер Навоий, Деҳлавий, Ганжавий, Фузулий, Бобур, Машраб, Хамза Ниёзий ва кўплаб адиблар асарлари китоб жавонимизнинг энг юқори қисмида сақланарди. Чунки онам бу китобларга ҳурмат белгиси сифатида шундай тартибда жойлаштирар эдилар. Кейинчалик

кутубхоначи касбини эгаллаганимда, “аяжон, бу китобларни бирон-бир тизимлаштириш қоидалари бўйича жойлаш керак” деб айтсам, “йўқ, катталар доим юқорида, худди уларнинг асарлари каби “салобат” билан кўнгилларни ёритиб, кўзингга яқин жойда туриши керак”, дердилар. Онамнинг ўз фалсафалари бўйича уйдаги шахсий кутубхонамиз бугунги кунда ҳам шундай сақланиб қолинган.

Талабалик давримда “Абдулла Қодирий стипендияси” стипендианти эдим. Стипендиям бошқа талабаларга нисбатан кўп эди. Чунки, Абдулла Қодирий жамғармаси томонидан таъсис этилган, (эътибор беринг!!!) бу 1994 йилларда, Мустақил Ўзбекистонда бундай стипендиялар хали йўқ эди ва бизни институт учун бу катта эътибор, талабалар учун катта имконият саналган. 3-4 курс давомида устозларимизни ойлик маошлари билан тенг стипендия олардим ва унинг 70-80 фоизини китобга сарфлардим.

Онам ўзбек адабиётини шахсий кутубхоналарига кўплаб сотиб олганлари учун, мен жаҳон адабиёти намуналарини излардим ва кутубхонамизни китоб фондини тўлдирардим. Лев Толстой, Джек Лондон, Джон Голсуорси, Теодор Драйзер, Александр Дюма, Расул Хамзатов, Чингиз Айтматов ва бошқалар шулар жумласидан. Кутубхоначиликка илк қадам оиламдан бошланган десам адашмаган бўламан. “Қуш уясида кўрганини қилади” деганку доно халқимиз.

### **Шогирдларингиз борми?**

— Шогирдларим жуда кўп, ҳар холда шундай ўйлайман. Жонажон Миллий кутубхонамизда фидойиларча хизмат қилаётган барча ёшлар менинг шогирдларим, деб биламан.

— **Ижтимоий тармоқларда ҳам жуда фаолсиз. Айрим блогерлар ҳам Сиздан кўп нарса ўрганса арзийди. Ижтимоий тармоқ**



**имкониятларидан фойдаланиш Сиз учун қизиқарли машғулотми ёки давр талаби бўлганлиги учун фойдаланасизми?**

— Ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш бугунги кун талабига айланиб бўлди. Мен китобларни устун билсамда, ижтимоий тармоқ имкониятларидан фойдаланишни ҳам зарур деб ҳисоблайман. Ёшларни китоб ўқишга қизиқтиришнинг бирдан-бир йўли ҳам ижтимоий тармоқлар орқали тарғиботни кучайтиришдир.

**— Қизиқарли машғулотингиз борми? Бўш вақтларингизда нималар билан машғул бўласиз.**

— Бўш вақтларимда оилам даврасида бўламан. Неварам билан сайр қиламан. Менинг ҳоббийим иккита: мутолаа ва қўлда тўқиш! Иккиси ҳам асаблар учун жуда фойдали, хотирани мустаҳкамлайди, бармоқлар моторикаси учун кони фойда.

**— Бугунги кунда Сиз раҳбарлик қилаётган Миллий кутубхонамиз тўғрисида қисқача маълумот берсангиз? Фойдаланувчилар учун яратилган шароитлар тўғрисида тўхталсангиз.**

— Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — мамлакатдаги энг йирик кутубхона, бўйсинувидан қатъий назар барча ахборот-кутубхона муассасалари учун мувофиқлаштирувчи ва услубий марказ ҳисобланади. Мамлакат тарихи ва бугунини боғлаб турувчи маънавий-маданий марказ сифатида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жамиятнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириб келмоқда.

Юртбошимиз - “Дунёдаги ҳар қайси давлат, ҳар қайси халқ биринчи навбатда ўзининг интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти билан қудратлидир. Бундай энгилмас куч манбаи эса аввало инсоният



тафаккурининг буюк кашфиёти – китоб ва кутубхоналарда” деб таъкидлаганларидек, бугунги кунда Миллий кутубхона интеллектуал ва юксак маънавий мулк манбаи сифатида хизмат қилмоқда.

Кутубхонага 1870 йил, май ойида Тошкент оммавий кутубхонаси сифатида асос солинган. 1948 йилда кутубхонага мутафаккир, давлат арбоби, улуғ адиб Низомиддин мир Алишер Навоий номи берилган. 2011 йили пойтахтда шаҳарсозлик маданиятининг яна бир ноёб намунаси – “Маърифат маркази” бунёд этилиб, ундан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси жой олди.

Ҳозирда Миллий кутубхонада фойдаланувчиларга жаҳон андозаларига мос хизмат кўрсатиш учун кенг имкониятлар яратилган.

Жумладан, 800 ўринли 13 та ўқув залига замонавий асбоб-ускуналар ва

техник воситалар ўрнатилган, Wi-Fi тизими, рақамлаштириш қурилмалари йўлга қўйилиши китобхонлар ташрифини йилдан йилга ошиб боришига хизмат қилмоқда.

“Ўзбекистон”, “Адолат”, “Истиқбол”, “Жаҳон”, “Тафаккур”, “Алишер Навоий” ўқув заллари фойдаланувчиларни китобларни бемалол излашлари ва буюртма бериши ва янги олинган манбалар билан танишиш имкониятини оширади. Фойдаланувчилар истаган босма нашрларини каталоглар орқали ёки компьютерда излаб топишлари мумкин. Кутубхонамизда инглиз, рус, япон ва бошқа чет тилларини ўрганиш учун ҳам имкониятлар яратилган.

Ҳозирги кунга келиб Миллий кутубхонанинг умумий фонди жами: 8 108 066 нусха бўлиб, шундан босма нашрлар 7 121 062 нусхани, электрон ресурслар сони 987 004 нусхани ташкил этади.



Фойдаланувчиларнинг сони ҳам кундан кунга ортиб бормоқда, айни дамда кутубхона рўйхатидан ўтган фойдаланувчилар жами сони 360 687 нафар (йилига ўртача 27-30 минг китобхон аъзолиги расмийлаштирилади) бўлиб, кутубхона фондидан фойдаланиш учун кутубхонага йилига ўртача 600 000 га яқин китобхон ташриф буюради.

Ёш авлодни китоб ўқишга қизиқтириш мақсадида китоб тақдимотлари, хотира кечалари, учрашувлар, давра-суҳбатлари, танловлар, акциялар, флешмоблар, квест ўйинлари ўтказиш анъанага айланган. Ҳар йили Китоб ва Кутубхоначилик ҳафталиклари ташкил этмоқдамиз. Келажакда ҳам ушбу фаолиятимизни давом эттириш ниятидамиз.

Янгиликлардан сўзлайдиган бўлсам, хабарингиз бор, 2024 йил 3 апрель куни Юртбошимиз ташаббуслари билан Янги Тошкент шаҳри ҳудудида илк иншоотлар қурилиши бошланган эди. Давлатимиз раҳбари бу улкан лойиҳа илм ва таълим масканларидан бошланаётганига урғу бериб, “булар маърифатли жамият барпо этиш ғоямизнинг асоси ва намунаси бўлади”, - деган эдилар.

Шулардан бири – Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг қад ростлаётган янги биноси. Ушбу 4 қаватли мажмуа ўз номига мос миллий дизайнда бўлади. Жами 30 минг квадрат метр майдонда бир пайтнинг ўзида 1 минг 420 нафар китобхонга сифатли хизмат кўрсатилади.

Бу ерда кутубхона фондидаги адабиётларни муносиб сақлаш, санокдан ўтказиш, хавфсизлигини таъминлаш ва стерилизация қилишга мўлжалланган махсус асбоб-ускуналар ўрнатилади.

Шунингдек, мажмуа кўп функционал бўлади. Ташриф буюрувчилар учун 300 ўринли кафе, дам олиш зоналари, якка ва жамоавий ишлаш учун ўқув хоналари, трансформацион

ўқув заллари, фото ва картиналар галереяси, енгил спорт ўйинлари ва бошқа қулайликлар ташкил этилади.

— **Ортингиздан келаётган ёш кутубхоначиларга маслаҳатингиз, Сиздек даражага эришиш учун нималарга эътибор қаратишлиги лозим?**

— Тинимсиз меҳнат, асосийси касбини ҳурмат қилсин, ўз касби билан “касал бўлсин”. Китоб ўқишни севишсин. Ўз касбига меҳри бор инсоннинг ишида унум бўлади. Кутубхоначилик касби ҳам масъулятли касб. У ҳам ҳудди шифокорлик касбига ўхшайди. Шифокорлар ҳам турли дорилар тўғрисида маълумотга эга бўлиши шарт бўлганидек, кутубхоначилар ҳам нашр этилган барча китоблар билан, камида бадиий адабиёт билан, таниш бўлишлари зарур. Бунинг учун кўп китоб ўқиши талаб этилади. Тафаккури кенг, замонавий билимларни эгаллаган кутубхоначилар ўқишни тавсия этган китоб китобхонни келажакда ким бўлишини белгилаб беради, деб ўйлайман.

— **Келажак авлодни китоб ўқишга қизиқишини ошириш учун нималарга эътибор бериш керак, деб ўйлайсиз?**

— Фарзандларимизни мутолаага қизиқтириш учун ота-оналар уларни кутубхоналарга олиб бориши, китоб дўконларидан китоблар сотиб олиб бериши, мутолаада ўртак бўлиши ва биргаликда мутолаа қилишлари зарур! Кутубхоналарга олиб келишсин, биз кутубхоначилар болажонларимизда китоб мутолаасига меҳр уйғотиш учун бор кучимизни сарф қиламиз. Буюк келажак китобсевар фарзандларимиз қўллари билан бунёд этилишини унутмаслигимиз керак. Зуғум билан, қўрқитиш билан бу мақсадга эришиб бўлмайди.

“Болам ўқимаяпти, ўзим кўп ўқийман, билмасам нега шундай”, - дегувчилар



ичимизда. Боладаги мутолаага бўлган ҳошишни ўзимиз, ота-оналар “ўлдирсак” керак ҳам деб ўйлаб қоламан.

**“Мен биламан сенга нима керак-лигини”** китоб танловида ҳам қўллаймиз, бундан ҳечам қутилмасак керак..!

Энг аввали ва муҳими - ўқишдан Мақсад. Мутолаа мумтоз адиб билан танишиш учун, ахлоқни тарбиялаш учун (булар ҳам албатта эътибордан четда эмас, бироқ) ёки бизга мактабда шундай ўқитишгани ва айниқса, бу, ЗАРУРАТ, ЗАРУР бўлгани учун эмас.

МУТОЛАА - ЗАВҚ олиш учун! Шунини тушунтирсак, ЗАВҚЛАНИШ хиссини шакллантириш учун ҳаракат қилсак бўлди, МУТОЛАА жараёнига “кирита” оламиз.

Қайтараман, фақат, меҳр билан ёндашилса тўғри бўлади. Ҳар бир болани ёшини инобатга олиб қўлига китоб тутқазиш лозим. Барча соҳада бўлгани каби мутолаада ҳам энгилдан мураккабликка қараб бориш

керак. Бир сўз билан айтганда, Мутолаа кўнгил истаги! Вольтер айтганидек, “Мутолаа - қалбни юксалтиради”.



**Ширин набира Гулгунахон билан**

**— Кўпинча раҳбарлар вақт бўлмаган-лигидан китоб, газета мутолаа қила олишмаслигини айтишади. Сизда қандай, Китоб, газета, журнал мутолаасига вақт топасизми?**

— Менда аксинча, китоб, журнал, газета мутолаасига вақт топаман. Касбим ҳам шуни тақозо этади. Ҳар куни ёрдамчим Фотимахон олдимга газеталарнинг янги сонидан олиб киради. Шунингдек, адашмайман, ҳар куни почта орқали оламиз, ёки ижодкорларни ўзлари ҳам китобларидан совға қилишади. Мен учун, бир мен учунгина эмас, балки барча кутубхоначилар учун КИТОБдан аъло совға бўлмаса керак!

— **Кутубхоначиликни танлаганингиздан афсус қилган вақтларингиз бўлганми?**

— Асло, кутубхоначилик касбини танлаганлигимбиланҳамишафахрланганман.

Афсус қилиш ҳаёлимга ҳам келмаган, келмайди ҳам. Худога шукур, шу касбим ортидан халқ назарига тушдим. Барча ютуқларимга шу касбим орқали эришмоқдаман. 2020 йил Президентимиз камтарона хизматларимни инобатга олиб “Меҳнат шуҳрати” ордени билан мукофотладилар. Илмий ишимни ҳам кутубхоначилик касбига боғладим. 2024 йил “АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ: ТАШКИЛ ТОПИШИ, РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ, БУГУНГИ ҲОЛАТИ” мавзусида илмий ишни якунлаб, Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олдим. Кутубхоначилик касби менинг ҳаётим. Бу касбсиз ҳаётимни тасаввур қила олмайман.

— **Журналхонларимизга тилакларингиз...**

— Китоб мутолаасидан тўхташмасин, Журнални қўлдан ҳеч қўйишмасин. Аввало, саломат бўлишсин. Соғ одамгагина китоб мутолааси завқ бағишлайди. Китоб, журнал, газета мутолааси ҳамиша умр йўлларида уларга ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламан. Барчаларини Миллий кутубхонамизда кутамай.



**Оила даврасида**

— **Умида Олимжоновна, Сиз билан узоқ суҳбатлашсак ҳам оздек.**

Мазмунли суҳбатингиздан миннатдоримиз. Китобхонликни тарғиб қилиш йўлида Сизга ва барча азиз кутубхоначиларга куч-ғайрат тилаймиз.

**Суҳбатлашди: Алишер Тоиров,**

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги масъул ходими,  
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

# ҚАЛБИ ДАРЁ ИЖОДКОР



Абдулла Мадалиев,

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,  
ёзувчи, шоир.

Яқинда мен ҳамкорлик қилиб келаётган “АгроБизнесИнформ” ижтимоий-иқтисодий, илмий-оммабоп журналининг бош муҳаррири, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси Маҳмуд Тоиров табаррук 70 ёшни қаршилади.

Уни ушбу қутлуғ ёш билан муборакбод этар эканман, у босиб ўтган ҳаёт йўлига, ижодий фаолиятига назар ташладим.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, унинг ҳаёт йўли катта мактаб бўлиб, ниҳоятда ранг-баранг, ибратли, энг аввало жуда мураккаб ва кенгликни қамрайди.

У меҳнат фаолиятини оддий ишчиликдан бошлаб, давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларида турли масъул лавозимларда фаолият юритиб, мураккаб ва шарафли йўлни босиб ўтган.

Қатор йиллар мобайнида у Ўзбекистон Халқ демократик партияси тизимида фаолият юритган. Жумладан, 2001-2004 йилларда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг партия фракцияси билан алоқада ишлаш бўйича катта референт, Марказий Кенгаш Ишлар бошқарувчиси, 2004-2005 йилларда Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши иккинчи котиби лавозимларида ишлаган.

Шу даврда у партия Марказий Кенгаши аъзоси сифатида ҳам самарали фаолият юритган. 2005-2006 йилларда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раисининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси ишини мувофиқлаштириш бўйича маслаҳатчиси, 2006-2008 йилларда Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши

Умумсиёсий, парламент ва тарғибот ишлари бўйича Бош маслаҳатчиси, раис ўринбосари лавозимларида самарали фаолият юритган.

2021 йилдан эътиборан у, аввалига “АгроИнформ” журнали Бош муҳаррири ўринбосари лавозимида иш бошлаб, кейинчалик 2022 йилдан буён “АгроБизнесИнформ” журналининг Бош муҳаррири сифатида самарали меҳнат қилиб келмоқда.

М.Тоировнинг ижод йўли ҳам сермахсул. 2014 йилда унинг “Ҳаёт сўқмоқларида” номли китоби, 2016 йилда “Сен ва мен” номли шеърӣ тўплами, 2017 йилда “Ҳаёт битиклари”, 2018 йилда “Тафаккур неъматлари”, 2023 йилда эса “Тафаккур дурдоналари” номли китоблари нашр этилган.

Албатта унинг меҳнати эътиборсиз қолмади, 2021 йилда у Турон Фанлар Академияси ҳақиқий аъзоси унвонига сазовор бўлди.

Унинг бой тажрибаси, билими, ҳаётни чуқур билганлиги, республика илм-фани, журналистикаси билан чамбарчас боғлиқдир. Ёрқин ҳаёти, кўп қиррали фаолияти, сермаъно битиклари баркамол авлодни тарбиялашдек улуғ ва савобли ишларда ўз самарасини бериши шубҳасиз.

М. Тоировни табаррук ёш билан муборакбод этар эканман, унга Янги Ўзбекистонни қуриш ва III Ренессанс асосларини яратишга қаратилган ишларда иштирок этишда битмас-туганмас ғайрат-шижоат, узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ҳаётида осудалик, фаровонлик, улкан илмий ва ижодий ютуқлар, доимий ҳамроҳи бўлишлигини сидқидилдан тилаб қоламан!


# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ КЕЧАГИ АҲВОЛИ, БУ КУНГИ РАВНАҚИ ВА ИСТИҚБОЛИГА ОИД ЕТУК АСАР

Таълим-тарбия – бу бизнинг келажагимиз,  
ҳаёт-мамот масаласи.

*Ш. М. Мирзиёев,*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти*

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси ва раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар тўғрисида кўплаб мақола ва китоблар ёзилмоқда.



Бу мавзунинг долзарблиги ва муҳим ижтимоий – сиёсий аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Мисол учун яқинда нашр этилган таниқли давлат ва жамоат арбоби, профессор Улуғбек Иноятонинг “Янги Ўзбекистонда узлуксиз таълим” деб номланган

(Улуғбек Иноятон, “Янги Ўзбекистонда узлуксиз таълим”, “Янги аср авлоди”, 2024) китобини кўрсатиш мумкин.

Олимнинг ушбу мавзуга эътибори бежиз эмас. У мазкур тизимнинг турли жабҳаларида узоқ йиллар ишлаган тажрибали педагог, профессор, таълим ташкилотчиси ва раҳбари, ҳозир ҳам йирик сиёсий партиянинг етакчиси сифатида соҳа муаммолари билан у ёки бу даражада шуғулланиб келаётган инсондир. Дарҳақиқат, китобни ўқисангиз муаллиф таълим тизими масалаларини “ичидан туриб” ёритганига амин бўласиз. Бу асарнинг қимматини оширувчи муҳим омилдир, албатта.

Етти бобдан иборат мазкур илмий-оммабоп асарда муаллиф таълим тизимининг барча бўғинлари – мактабгача таълим, мактаб таълими, олий ва ундан кейинги таълимнинг юртимизда кечаги аҳволи, бугунги ривож ва истиқболи тўғрисида қимматли маълумотлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, факт ва рақамлар ҳамда фикр-мулоҳазаларни тасдиқловчи фотосуратлар келтирилади.

Таълим тизими ислоҳотлари ҳозирги босқичининг асосий хусусиятлари нималардан иборат, деб сўрасалар биз ушбу китоб асосида, авваламбор, бутун соҳанинг яхлит тарзда,



ягона тизим тарзида ислоҳ қилинишида, деб айтган бўлар эдик.

Яқин ўтмишимиздан биламизки, боғчалар мактаблардан айрича, мактаблар олий ўқув юртларидан ўзгача фаолият кўрсатар, уларнинг ривожланишида ўзаро боғлиқлик ва давомийлик мутлақо сезилмасди. Бу ўша пайтлардаги давлат органларининг уларга ёндошувининг оқибати эди.

Натижада уларнинг ривожланиши даражасида катта тафовут келиб чиққанди. Соҳанинг қуйи бўғини – мактабгача таълимга эътибор кўпроқ сўзда-ю, амалда заруратдан йироқ эди. Китобда ёзилишича, 2017 йилда болажонлиги билан машхур мамлакатимизда бор йўғи 5211 та мактабгача таълим муассасаси бўлиб, уларда болаларнинг атиги 27 фоизи тарбияланган.

Мазкур мақола муаллифларининг бири бир неча йил Хоразмда фаолият кўрсатганида болалар боғчалари масалалари билан ҳам шуғулланганидан биламизки, қишлоқ жойларида давлат бюджетидан боғча ва яслилар деярли қурилмас, хўжаликлар

ҳисобидан тикланганларига режалаштириш ва таъминот ташкилотлари томонидан мебель ва тегишли жиҳозлар ажратилмасди. Боғчалардаги болакайларнинг тегишлича овқатланиши ва саломатлигини таъминлашда муаммолар кўп эди.

Фақат соҳада кейинги йилларда ўтказилган ислохотлар (давлат боғчалари сонини кўпайтириш, давлат-хусусий шериклик, хусусий, оилавий, мобил боғчаларни ташкил этиш) натижасида болаларни мактабгача таълим муассасалари билан қамраб олиш 74,4 фоизга етди!

Муаммолар таълим тизимининг иккинчи бўғини – мактаб таълимида ҳам етарли эди. Жумладан, синфхоналарнинг етишмаслиги, мактаб биноларнинг вақтида таъмирланмаслиги, айримларининг тоза ичимлик суви билан таъминланмаслиги, қишда хоналарнинг иситилиши талабга жавоб бермаслиги, энг ёмони, ўқувчи ва ўқитувчиларнинг пахта теримига ёки ободонлаштириш ишларига ёппасига жалб этиш, муаллимларнинг кўп вақти турли

ҳисобот ва бошқа қоғозларни тўлдиришга кетиши, ойлик маошларининг пастлигидан кўплаб педагогларнинг бошқа ишларга ўтишга мажбур бўлишларидан қатор фанлардан ўқитувчилар етишмаслиги ва бошқа муаммоларни кўрсатиш мумкин.

Жамиятда мактаб ўқитувчисининг нуфуз-обрўи кескин пасайгани сир эмасди. Бундай вазиятда ўқув-тарбиянинг сифати ҳаминқадар бўлиши табиийдир. Шунинг учун мустақил Ўзбекистонда бошқа соҳалар қатори таълим соҳасини ҳам чуқур ислоҳ қилиш лозимлиги идрок этилиб, амалий қадамлар қўйила бошланди.

Олдинги ислоҳотлардан фарқли ўлароқ бу галги туб ўзгаришлар, биринчи галда, унга оид қонун ва меъёрий ҳужжатларни янгилаш, замонавийлаштириш, таълим тизими тузилмаларини такомиллаштиришдан бошланди. Жумладан, “Таълим тўғрисидаги” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” тўғрисидаги қонунлар такомиллаштирилди, 11 йиллик таълим тикланди ва ҳоказолар.

Таълим тизимининг биринчи ҳалқаси каби, унинг иккинчисиди ҳам давлат муассасалари билан бир қаторда давлат-хусусий шериклик ва хусусий мактаблар фаолияти йўлга қўйилди.

Шунингдек, иқтидорли ёшларни эрта аниқлаш ва тарбиялаш, ривожланишида муайян чекинишлар мавжуд бўлган болаларга, уларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ўқитиш учун Президент, ижод, ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилди.

Китобда ёзилганидек, ўтган йили Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузуридаги Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги ҳузурида 14 та Президент мактаби, 9 та ижод мактаби.

182 та ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатлари мавжуд бўлган. Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда республикамизда жами 6,5 миллионга яқин бола 10200 та умумтаълим мактабларида таҳсил олмоқда.



Маълумки, ислохотларнинг тақдири ва натижаси биринчи галда одамларга боғлиқ.

Шу боис, китобда кўрсатилганидек, давлатимиз раҳбари ва ҳукуватимиз умумтаълим мактабларини етук кадрлар билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор бермоқдалар. Мактаб ўқитувчисининг нуфузи оширилди, унинг ўз касбий фаолиятига аралашади, ўз бурчини тўла бажаришга тўқинлик қилиш тақиқланди, педагогик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб қилиш ман қилинди. Ўқитувчиларнинг ойлик маоши ўртача 2,5 бараварга оширилди, қатор фанлар бўйича сертификати бор муаллимларга устама, чекка ҳудудларга бориб ишлаётган педагогларга алоҳида тўлов жорий қилинди. Айниқса “Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши бу йўлда қўйилган тарихий қадам бўлди. Ушбу “Қонун, - таъкидланади китобда, - жамиятимизда педагог касбининг аҳамияти ва нуфузини оширишга, ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга, касбий фаолиятини ноқонуний аралашувлардан ҳимоя қилишга ҳамда меҳнатини муносиб рағбатлантириш имкониятлари кенгайтиришга хизмат қилади” (Мазкур китоб, 67-б.).

У.Иноятовнинг китобида мамлакатимизда олий таълимнинг таърифи, тарихи, яқин ўтмишдаги аҳволи, кейинги эврилишлари ва истиқболларига ҳам катта ўрин (6- боб) ажратилган. Бобнинг мазмунини баён этишдан қочиб, биргина мисол билан кейинги йилларда соҳада инқилобий сакраш юз берганини тушуниш қийин эмас. Китоб муаллифининг ёзишича, республикада 2016 йилда 77

та олий ўқув юртида 279 674 нафар талаба таҳсил олиб, бу қамров 10 фоизга ҳам етмаган. Орадан 7-8 йилгина ўтиб, мамлакатимизда олий таълим муассасаларининг сони 200 тадан ошди, қамров бир неча баробар кўпайди. Бунга қандай қилиб эришилгани китобда факт ва мисоллар билан кўрсатилган.

Шунингдек, китобда олий таълимдан кейинги таълим масалаларига ҳам етарлича ўрин ажратилган. Олий маълумотли кадрлар салоҳияти ва сифатини оширишнинг аҳамияти, уни ислохотлар талабига яраша даражада ривожлантириш механизмлари, амалга оширилган аниқ ишлар ва эришилган натижалар китобда мисоллар билан баён этилган. “Олий таълимдан кейинги таълим, - дейди муаллиф, - ... мамлакатни тизимли тараққий эттиришда асосий таянч вазифасини ўтайди”. Шу боис 2017 йилдан бошлаб бу соҳага шундай катта эътибор берилдики, шундай ривожланишга эришилдики, бунини, муболағасиз, инқилобий ўзгаришлар дейиш мумкин.

Хуллас, профессор У. И. Иноятовни мазкур долзарб мавзу билимдонлик билан ёритилгани билан табриклаб, китобхонларга эса ушбу китобни мутолаа қилиш фойдадан холи эмаслигини эслатмоқчимиз. Китобнинг кейинги нашрларида ислохотларни амалга ошириш жараёнларидаги қийинчиликлар ва муаммоларни ҳам муайян тарзда кўрсатиш ҳамда матнда учрайдиган баъзи атамалар (инклюзив, креатив ва бошқалар) изоҳини бериш унинг қимматини янада оширади, деб ўйлаймиз.

**Собир Қурбонов,**

тарих фанлари номзоди, доцент,


**Носир Тоиров,**

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.



# БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ ҲАЁТИГА БАҒИШЛАНГАН КИТОБ


Яқинда техника фанлари доктори, профессор Зафар Искандаровнинг “Абдулқодир Жийлоний авлодлари ва саййидзодалар ҳаёти” номли китоби “Complex Print” нашриёти томонидан нашр этилди.



Монографияда Хоразм ва Тошкент вилоятларида яшаб келаётган Ғавсул Аъзам – Абдулқодир Жийлоний авлодлари ва саййидзодалар тарихи, уларнинг Моварауннахр маънавий, ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни, инсоний фазилатлари тўғрисида ҳикоя қилинади.

Ҳар бир инсон борки, ўзининг насл-насаби ва аждодлари тарихини билишни истайди. Уларнинг ибратли ҳаёти, хулқ-атвори, одоб-ахлоқи ва амалий фаолиятдан намуна олиб яшашни истайди. Доно халқимизда етти пуштингни бил, деган ўғит бежиз айтилмаган. Шўролар даврида халқимизнинг ана шу тарихий қадрияти эътибордан четга сурилди, хотирамиздан бутунлай ўчиришга ҳаракат қилинди. Ана шундай махрумият изтиробини чеккан хонадонлардан бири имом Ҳасан (р.а.) ва имом Ҳусайн (р.а.) авлодларининг мамлакатимиз ҳудудида умргузаронлик қилиб келган Ғавсул Аъзам Абдулқодир Жийлоний (р.а.)

авлодлари эди. Мустақиллик шарофати билан тарихимизнинг унитилган ва атай менсилмаган фуқаролари ўз ота-боболари тарихини холис ва беҳадик ўрганиш, одамларга уларнинг ибратли фаолиятларини сўзлаб бериш имкониятига эга бўлдилар. Қўлингиздаги китоб ҳам мана шундай имкониятлар меваси бўлиб дунёга келган.



Китобдан ўрин олган “Шажара ва насл-насаб”, “Саййидлар кимлар?”, “Бугунга боғланган тарих”, “Машғуллик ила форуғлик”, “Навоийни илҳомлантирган нақл”, “Ҳазрат Алининг ҳикматлари”, ““Хожа Аҳмад Яссавий”, “Шайх Нажмиддин Кубро”, “Кўҳна Хивадаги Қўнғирот уруғи ҳақида” каби кўплаб боблардан иборат бўлган ушбу китобни мутолаа қилар экансиз ҳаёлингиз узоқ ўтмишга олиб кетади ва қалбингизда буюк аждодларимизга нисбатан ҳурматингиз янада юксалади.

Китоб тарихий ўлкашунослик ва зиёрат туризми мутахассислари ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

**Азамат Тоиров,**

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Jurnal har chorakda bir marta chop etiladi.

**Muassislar:**

- O'zbekiston Fermer, dehqon xo'jaliklari va tomorqa yer egalari kengashi,
- Tadbirkorlik va fermerlikni qo'llab-quvvatlash markazi
- "Kafolat servis" MChJ

**Nashr**

O'zbekiston Respublikasi  
Oliy attestatsiya komissiyasi  
Rayosatining  
2020-yil 31-dekabrda  
290/10-sonli qarori bilan  
Oliy attestatsiya komissiyasining ilmiy  
jurnallar ro'yxatiga olingan.

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar  
muallifga qaytarilmaydi.

ISSN 2010-9024

Nashr indeksi: 1123

Tahririyat manzili:  
100140, Toshkent shahar,  
Nukus ko'chasi 77-uy  
Tel/faks: +99895 195-52-52.  
Tel: +99897 480-34-82.

Jurnal "Agro Biznes Inform"  
MChJ kompyuter markazida  
sahifalandi.

Chop etildi: 14.03.2025-yil.

Guvohnoma raqami: №990721  
2021-yil 17-mayda berilgan.

Qog'oz bichimi: 60x84 1/8.

Buyurtma № 02.  
Adadi: 1100 nusxa.

Баҳоси келишилган нархда.

Manzil: Toshkent shahar,  
Nukus ko'chasi, 77-uy.

Нашрни тайёрлашда ЎЗА ва интернет  
материалларидан фойдаланилди.

## MUNDARIJA

<b>Сагтаров Т.</b> Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига эътибор — дастурхонимиз тўкин-сочинлиги гарови .....	2
<b>Тоиров А.</b> Сунъий интеллект – математиклар талқинида .....	8
<b>Бакоев М. Т., Тоиров Ф. А.</b> Сунъий интеллект математика ва математиклар учун ...	12
<b>Рахмонбердиев В. К., Абдуганиева С. Б.</b> Прикопка заготовленных черенков шелковицы при укоренении в открытом грунте .....	19
<b>Абдирайимов А. Р., Ражабов С. Ж., Элбоева Ш. О.</b> Карам таркибидан ажратиб олинган пектин намуналари асосида мармелад рецептураларини тайёрлаш .....	22
<b>Рахманова Х. Э., Равшанова С., Нажмиддинова Ф., Низомова А.</b> Катта ҳажмга эга бўлган махсус қуртхоналарда қурт боқишнинг афзалликлари ва камчиликлари .....	26
<b>Амонов А. О'.</b> Murakkab birikma bilan urug'larni oldindan ishlov berishdan so'ng yumshoq bug'doy navlarining qurg'oqchilikka chidamliligini baholash .....	30
<b>Касимова М. Б.</b> Обучение русскому языку студентов аграрного вуза в Узбекистане – одна из актуальных тем современного образования .....	32
<b>Касимова М. Б.</b> Термины и заимствованные слова в узбекском языке .....	35
<b>Aminboeva N. K.</b> Communicative and functional features punctuation marks .....	38
<b>Yuldasheva U. M.</b> The role of leadership in hrm in commercial banks of Uzbekistan .....	41
<b>Yuldasheva R. A., Sotvoldiyeva O. I.</b> Yuqori avlod ekologik geografik genetik uzoq duragaylarida tepsharlik belgisining shakllanishi .....	45
<b>Нарбаев З. Н. Камалова Г. Р. Исламов А. М.</b> Овощная культура lactuca sativa l.- Происхождение салатного листа, распространение, лечебные свойства и технология выращивания .....	48
<b>Зиятов М. П.</b> Ёўзани эгилувчан қувур орқали суғориш ва озиклантиришда фертигация усулининг самарадорлиги .....	52
<b>Xudoyberdiyeva N. V.</b> Chek2 and oncological research: results of a bibliometric analysis .....	58
<b>Yuldosheva J. X.</b> Haqiqiy arilar (vespidae): taksonomiyasi, biologiyasi va tarqalishi bo'yicha tahlil .....	62
<b>Zuxriddinov M, R. Qurbonov A. A.</b> Rijik (camelina sativa l.) Navlari urug'larini dala sharoitidagi unuvchanligiga ekish muddati va me'yorlarining ta'siri .....	64
<b>Zuxriddinov M, R., Xayrullayev S. S.</b> Ekish muddalari hamda me'yorlarining rijik navlari ro'yxatining sutkalik o'sishiga ta'siri .....	67
<b>Тоиров Н.</b> Донишманд китобсевар тadbirkor .....	71
<b>Тоиров Н.</b> Журналист с большой буквы .....	74
<b>Аллаберганова Т., Ахмедова С.</b> Қайтар дунё яхши қайтсин десангиз .....	78
<b>Ғулум Мирзо.</b> Қўлимни узатсам - етадиганим сиз .....	80
<b>Тоиров А.</b> Ўз касбининг фидойиси .....	84
<b>Мадалиев А.</b> Қалби дарё ижодкор .....	92
<b>Қурбонов С., Тоиров Н.</b> Янги Ўзбекистонда таълим тизимининг кечаги аҳволи, бу кунги равнақи ва истиқболига оид етук асар .....	93
<b>Тоиров А.</b> Буюк аждодларимиз ҳаётига бағишланган китоб .....	97